

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК- ИҚТИСОДИЕТ ИНСТИТУТИ

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси

«Молиявий ҳисоб» фанидан

М А Ё Р У З А Л А Р М А Т Н И

Наманган - 2006 йил

Ишчи ўқув дастур, ТМИ томонидан тайёрланган 2006 йил 19 август 100073 рақам билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан 2006 йил 20 августда тасдиқланган намунавий дастур мавзулари асосида маърузалар матни тайёрланган.

Маърузалар матни «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг 2006 йил 25 августдаги 1-сонли йиғилишида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Тузувчилар:

и.ф.н., доцент	Б. Шарипов
Кат. Уқит.	А.Холмирзаев
Кат. Уқит.	Р.Пирматов

Такризчилар:

и.ф.н, доцент И.Сирожиддинов

«МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ВА УНИНГ ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАР.

1. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизими ва унинг асосий элементлари. Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати.
2. Бошқарув ва молиявий ҳисоб концепцияси.

1. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизими ва унинг асосий элементлари. Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизими ва унинг асосий элементлари; Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги уонун; Ўзбекистон Республикасининг Фууаролик кодекси; Ўзбекистон Республикасининг Қимматли уюгузулар ва фонд биржаси тўғрисидаги уонун; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси уарори №65.23.02.2000й. «Маида ва ўрта бизнес корхоналари учун ҳисоботларни уисуартириш ва тартибга келтириш тўғрисидаги тадбирлар; Ўзбекистон Республикаси президенти фармони Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох уилишга оид чора тадбирлар тўғрисида (21.03.2000й). Шулардан Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонунга батафсил тухталамиз. Бу уонун Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини халуаро стандартларга мувофиу ташкил этишнинг ҳуқуқий мауомини белгилайди. Хусусан, унинг 1-моддасида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ҳисобот тузиш билан боғлиу муносабатлар ушбу уонун ва уонун ҳужжатлари билан тартибга солинишини аниуланган. Бухгалтерия ҳисобини тартибга соладиган уонун ҳужжатларига қуйидагилар киради: бухгалтерия ҳисобининг янги счотлар режаси, маҳсулот (иш,хизмат)лар таннархига қўйиладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) ва реализация харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом, янги таҳрирдаги Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги уонун. Булар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги уонун билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча Хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳисоб юритиш сиёсатини ҳуқуқий асосини таъминлашга хизмат уилади.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартлари (Б.Х.М.С.) ҳауида тушунча, уларнинг аҳамияти, асосий қоидалари ва принциплари (№0 Б.Х.М.С.); №1 Б.Х.М.С «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий сиёсат; №2 Б.Х.М.С «Асосий фаолияти даромадлари»; №3 Б.Х.М.С «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»; №4 Б.Х.М.С «Товар-моддий захиралар»; №5 Б.Х.М.С «Асосий воситалар»; №6 Б.Х.М.С «Лизинг ҳисоби»; №7 Б.Х.М.С «Номатериал активлар»; №8 Б.Х.М.С «Умумлаштирилган молиявий ҳисобот шухба Хўжалик жамиятларига уилинган инвестициялар»;

№9 Б.Х.М.С «Пул оуимлари тўғрисида ҳисобот»; №10Б.Х.М.С «Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамнинг моҳиятини очиқ бериш»; №11 Б.Х.М.С «Илмий-тадуиуот ва тажриба конструкторлик ишланмалари»; №12 Б.Х.М.С «Молиявий инвестициялар ҳисоби»; №13 Б.Х.М.С «Бир акцияга тўғри келадиган фойда»; №14 Б.Х.М.С «Қўшма фаолиятда иштирок этиш улушини молиявий ҳисоботда акс эттириш»; №15 Б.Х.М.С «Бухгалтерия баланси»; №16 Б.Х.М.С «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги Хўжалик фаолиятида содир булган ходисалар ва кузда тутилмаган ҳолатлар»; №17 Б.Х.М.С «Капитал уурилиш учун пудрат шартномалари».

Мазмуни, асосий турлари: йуриуномалар, тавсиялар ва бошқалар. Корхонанинг ҳисоб сиёсатини шакллантирадиган ишчи ҳужжатлар. Корхонанинг ҳисоб сиёсатини тузиш (намунавий).

Корхонанинг ҳисоб сиёсати. Корхонанинг ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича биринчи стандартлардан ҳисобланган №1-»Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» деган стандартга асосан ишлаб чиуилади. Бу ҳужжат корхона ичида фойдаланилиб бухгалтерия ҳисобини юритиш учун уоидаларининг чегараларини белгилайди, агар улар куп вариантли таркибдан иборат булса.

Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати деганда корхона томонидан танлаб олинган, бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг йи'индиси тушунилади. Булар: Хўжалик фаолиятининг дастлабки кузатиш, қиймат улчовида ифодалаш, муомалаларни жорий тартибда гуруҳлаш ва умумлаштириш.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига Хўжалик фаолиятидаги фактларни гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини уоплаш ҳужжатлар айланишини ташкил этиш, инвентаризация, бухгалтерия ҳисоби счетларини ууллашусуллари, бухгалтерия ҳисобининг регистерлар тизими, ахборотларга ишлов бериш ва бошқа тегишли усуллар киради.

Корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсати бош бухгалтер томонидан ишлаб чиуилади ва раҳбар буйруги билан тасдиуланади.

Ҳисоб юритиш сиёсатининг мазмуни. Ҳисоб сиёсатини тасдиулашда:1. бухгалтерия ҳисобининг ишчи счетлар режаси; 2. дастлабки ҳисоб ҳужжатларининг шакллари; 3. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш методлари; 4. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация уилиш тартиби; 5. Ҳужжатлар айланиш уоидалари ва ҳисоб ахборотларига ишлов бериш технологияси; 6. Хўжалик муомалалари устидан назорат урнатиш, шунингдек бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш учун зарур бошқа ечимлар ҳам уабул уилинади. Ҳисоб юритиш сиёсатига узгартириш киритиш тартиби.

2.Бошқарув ва молиявий ҳисоб концепцияси.

Ахборот истеъмолчиларининг (ички ва ташуи) хусусиятларидан келиб чиуиб бухгалтерия ҳисоби қуйидаги икки йуналишда уайта шаклланмоуда:

1. Молиявий ҳисоб.

2. Бошқарув ҳисоби.

Бозор иутисодиёти шароитида ҳисобнинг бу иккала йуналишда шаклланиши, энг аввало, ҳисоб маълумотларининг кимлар учун мулжалланганлиги, ҳисоб тизими ва услубларига боғлиқ.

Молиявий ҳисоб тизимида корхонанинг мустақил бозор субъекти сифатида ташуи ахборот истеъмолчилари (уз ҳамкорлари, банклар, солиқ, божхона, давлат суғурта органлари, акционерлар, кредиторлар ва бошқа субъектлар) билан буладиган Хўжалик муносабатлари тўғрисидаги ахборотлар ташуи бухгалтерия ҳисоботларининг кўрсаткичларини шакллантириш мақсадида акс эттирилади, ишлов берилди ва умумлаштирилади.

Бошқарув ҳисоби- корхонанинг ички бошқаруви учун фойдаланиладиган ва шунинг учун ҳам чеклашлардан холи булган ички ҳисобдир. Бошқарув ҳисоби маълумотлари менежерлар учун хизмат уилади. Унинг асосий принципи -корхонани, унинг барча бўлинмаларини самарали бошқариш учун зарурлиги ҳисобланади. Бошқарув ҳисобида корхона ички Хўжалик бўлинмаларининг узаро ҳамда уларнинг махмурият билан буладиган Хўжалик муносабатлари тўғрисидаги ахборотлар ички ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш мақсадида акс эттирилади, ишлов берилади ва умумлаштирилади. Бошқарув ҳисобида асосан маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳамда таннарх шаклланиши билан боғлиқ жараёнлар акс эттирилади. Шу билан бирга бошқарув ҳисобининг маълумотлари корхонанинг тижорат сири ҳам ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобининг юкорида баён килинган икки йуналишда ривожланиши ички Хўжалик менежментини марказлаштирилмаган ҳолда ташкил этиш яъни маълум доирадаги бошқарув уарорларини қабул килишда корхонанинг ички Хўжалик бўлинмаларига тегишли ваколатларни бериш, шунингдек, уларнинг фаолият натижалари учун маълумотларини аниулашни тауазо этади. Бу жараён бухгалтерия ҳисобининг ахборот билан таъминлаш ва назорат килиш функциялари олдига янгича талаблар ууймоуда. Корхона Хўжалик фаолиятини бозор муносабатларининг бир бутун ва ягона субъекти сифатида акс эттириш билан бир каторда (молиявий ҳисоб), корхона фаолиятини унинг ички Хўжалик бўлинмалари фаолияти натижаларининг йи'ндиси сифатида акс эттириш ҳамда бу натижаларни корхонанинг иктисодий манфаатлари нуутай назаридан баҳолаш зарурати юзага келмокда (бошқарув ҳисоби).

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг кўрсатилган иккита йуналиш бўйича ривожланиши узининг методологик, методик ва ташкилий асосларига эга. Шу боисдан бозор иутисодиёти ривожланган хорижий мамлакатлар муаллифлари бошқарув ҳисобига мукамал таъриф берган. Чунки бу мамлакатларда молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг мустақил йуналишлари сифатида уарор топган.

5-МАВЗУ: ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ.

1. Хўжалик юритувчи субъектларда пул, ҳисоб-китоб операцияларини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари.

2. Банкцаги ҳисоб-китоб счёти ва уни ҳисобга олиш, ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар ҳаракатини ҳужжатлаштириш.

3. Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисобкитоб операцияларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари

4. Касса операциялари ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш

5. Ҳисобдор шахслардаги маблағларни ҳисобга олиш

6. Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобнинг турли шакллари асосида ҳисоб юритиш

7. Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоб

8. Бюджет, бюджетдан ташқари тўловлар юзасидан ҳисоб-китоблар ҳисоб

9. Дахволар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоб. Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш

10. Чет эл валютасидаги операцияларни ҳисобга олиш

11. Чет эл валютасида касса операциялари ва валюта счёти бўйича операциялар ҳисоб

1. Хўжалик юритувчи субъектларда пул, ҳисоб-китоб операцияларини ташкил қилишнинг асосий тамойиллари ва уларни ҳисобга олишнинг вазифалари.

Хўжалик юритувчи субъектлар Хўжалик фаолиятлари жараёнида бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ҳисоб-итоб олиб боришларига тўғри келади. Масалан, мол етказиб берувчилар билан сотиб олинган материал, асбоб-ускуна ёки ва бошқа товар моддий бойликлар, харидор корхоналар билан жунатилган маҳсулот, транспорт ташкилотлари билан юкларни ташиш, солиу органлари билан бюджетга тўловлар юзасидан, корхона узининг юқори ташкилоти билан ва х.к.

Ҳисоб-китоб бизда асосан нақд пулсиз, банк орқали ҳамда бартер асосида амалга оширилади. Корхонанинг умумий оборотда мустауил катнашувининг асосий шарти унинг банкда ҳисоб-китоб счётининг бўлишидир. Бу сёт саноат корхонасига пул маблағларини саклаш ва ҳисоб-китоб олиб бориш учун очилади. Ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориш қоидалари банк томонидан амалдаги қонунга мувофиқ белгиланади.

Корхоналар ургасидаги ҳисоб-китобни тўғри ташкил қилиш пул маблағларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Ҳисоб-китоб операцияларининг самарадорлиги қуп жихатдан уларни

ҳисобга олишни тўғри ва рационал ташкил қилишга боғлиқ. қуйидагилар бу операцияларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1. Ҳисоб-китоб операцияларини тўла ва уз вақтида ҳисобга олиш.
 2. Пул маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ операцияларни уз вақтида ҳисобга олиш ва назорат қилиш.
 3. Ҳисоб-китоб тўлов интизомига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш.
2. Банкдаги ҳисоб-китоб счёти ва уни ҳисобга олиш, ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар ҳаракатини ҳужжатлаштириш.

Корхоналар ўзлариининг бўш (вақтинча ишлатилмаётган) пул маблағларини банкда сақлашлари зарур. Ўзининг Хўжалик ҳисобдаги оборот маблағларига ва мустақил балансига эга бўлган корхоналар учун банк ҳисоб-китоб счёти очади. Ушбу счётдан пул маблағларини бошқа ҳисоб-китоб счётига ўтказиб қуйиш йул билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади. Счётдаги пул маблағларининг сарфланиши ёки ўтказилиши корхонанинг рухсати билан амалга оширилади. Айрим ҳолларда счётдаги маблағ корхона рухсатсиз сарфланиши мумкин (масалан, арбитраж буйруқлари асосида, бюджетга тўловлар уз вақтида тўланмаган бўлса ва х.к.). Шундай қилиб, корхона банкдаги ҳисоб-китоб счётининг тўла ҳуқуқли эгаси ҳисобланади. Банк корхона пул маблағларининг тўғри, яъни белгиланган мақсадга сарфланиши устидан назорат олиб боради. Ҳисоб-китоб счётида корхона асосий фаолияти билан боғлиқ операциялар юзасидан ҳисоб-китоблар олиб борилади. Рухсат этилган ҳоллардагина капитал қўйилмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳам амалга оширилиши мумкин. Асосий фаолият юзасидан ҳисоб-китоб счётига қуйидаги ҳолларда маблағ келиб тушади:

- 1) реализация қилинган маҳсулот учун;
 - 2) реализация қилинган ортиқча материаллар, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа товармоддий бойликлар, бажарилган иш учун;
 - 3) юқори ташкилотдан;
 - 4) давлат бюджетидан;
 - 5) банкдан олинган кредитлар ва бошқ.
- қуйидаги ҳолларда ҳисоб-китоб счётидан пул тўланиши мумкин:
- 1) сотиб олинган хом ашё, материал ва бошқа товармоддий бойликлар юзасидан мол етказиб берувчилардан бўлган қарз қайтарилганда;
 - 2) банкдан олинган қарз қайтарилганда;
 - 3) бюджетга қарз хил тўловлар тўланганда;
 - 4) қасаба уюшма ташкилотларига ижтимоий суғурта ажратмалари ўтказилганда;
 - 5) кассага иш ҳақи тўлаш учун нақд гтул берилганда.

Банк муассасаси корхона ҳисоб-китоб счётида қолган маблағ чегарасида унинг эгасининг қўрсатмаларини бажаради, яъни ҳисоб-китоб счётидан маблағ беради ёки ўтказади. Корхона мажбуриятларини уз вақтида тўлаши лозим, акс ҳолда қарзга айланиши мумкин.

Ҳисоб-китоб счётидан тўланадиган маблағ маълум тартибда, яъни ҳисоб-китоб ҳужжатларининг банкка келиб тушиши тартибига қараб, навбат билан тўланади. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида олиб бориладиган ҳисоб-китобларда уулланиладиган ҳужжатлар ҳамма учун бир хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Тўловталабнома.
2. Тўлов топшириғи.
3. Ҳисоб-китоб чеклари.

Агар корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб счётида маблағ бўлмаса ёки счётни тўлаш учун маблағ етишмаса, у ҳолда ҳужжат банкнинг 2 ракамли махсус картотекасида сақланади ва счётга маблағ келиб тушиши билан тўланади. Банк маълум белгиланган (счёт эгаси билан келишилган) муддатда корхонага ҳисоб-китоб счётидан кўчирма юборади. Кўчирмада операция суммаси, счётдаги бошлангич ва охири қолдиқ кўрсатилади, унга бошлангич ҳисоб-китоб ҳужжатлари кушиб топширилади. Бухгалтерия ходимлари банкдан олинган кўчирмадаги ёзувларнинг тўғрилигини, уларни кўчирмага илова килинган ҳужжатлардаги суммалар билан мувофиқлигини диққат билан текширадилар. Ҳисоб-китоб счётидаги оттерациялар синтетик ҳисобни юритиш учун «Ҳисоб-китоб счёти»дан фойдаланилади.

5110-«Ҳисоб-китоб счёти» счётининг дебети қуйидаги счётлар кредити билан корреспонденцияланади:

- 4010 харидор ва буюртмачилардан олинадиган маблағ суммасига;
- 5010, 5020 кассада пул қайтарилганда;
- 6910 банкдан кредит олинганда;
- 48104890 дебиторлар қарзи тўланганда.

5110-«Ҳисоб-китоб счёти»нинг кредити қуйидаги счётлар дебети билан корреспонденцияланади:

- 5010, 5020 кассага иш ҳақи тўлаш ва бошқа мақсадлар учун нақд пул чек билан берилганда;
- 6010 мол етказиб берувчилардан сотиб олинган хом ашё, материаллар учун қарз тўланганда;
- 6510 касаба уюшмаси ташкилотига ижтимоий суғурта ажратмаси ўтказилганда;
- 6410 иш ҳақидан ушлаб қолинган солиулар бюджетга ўтказилганда;
- 9810 фойдадан бюджетга тўловлар ўтказилганда.

Корхона бухгалтерияси ҳисоб-китоб счётидан кўчирма ва унга илова қилинган ҳужжатларни ҳар томонлама текширгандан сўнг ҳужжатларни қайта ишлаш учун ҳисоблаш машиналарига беради. Бухгалтерия ҳисобнинг журналордер шаклини қулловчи корхоналарда ҳисоб-китоб счётининг кредити бўйича ёзувлар 2 журналордерга, дебети бўйича ёзувлар эса 2-ведомостга ёзиб борилади. Улардаги ёзув банкдан олинган кўчирма

хамда унга илова килинган ҳужжатлар асосида ёзилади. Журнал-ордер ва ведомостнинг ойлик жами суммаси «Бош китоб»га кўчирилади.

3. Хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб операцияларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари

Хар бир ишлаб чиқариш бирлашмаси учун корхона жойлашган туманга хизмат килувчи банкда ҳисобгагиб счёти очилади. Бош корхонага карашли филиаллар учун ҳисобкигиб счёти субсчётлари ёки жорий (текуший) счётлар очилади.

Бирлашма ҳисоб-китоб счётида бирлашма фаолияти билан боғлиқ ҳамма операциялар амалга оширилади. Ҳисоб-китоб счёти субсчётлари ёки жорий счётга бирлашма ҳисоб-китоб счётидан иш ҳақи, мукофот тўлаш, мол етказиб берувчилар счётларини тўлаш, Хўжалик харажатларини коплаш ва бошқа мақсадлар учун маблағ утказилади. Бирлашма филиалларида жорий счёт операциялари «Банклардаги махсус счётлар» счётида юритилади. Ҳисоб-китоб счётидан жорий счётга маблағ ўтказилиши бирлашма бухгалтерияси счётларида қуйидагича акс эттирилади:

Дт 6110 «Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар».

Кт 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Филиал бухгалтериясида эса:

Дт 5500»Банкдаги махсус счётлар*.

Кт 6110» Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счёт».

Ҳисоб-китоб счётлари субсчётлари бўйича операциялар филиалларда ҳисоб-китоб счёти бўйича корреспонденцияга ухшаш тартибда олиб борилади.

4. Касса операцияларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш

Касса операцияларини юритиш ва расмийлаштириш тартиби «Касса операцияларини юритиш тўғрисидаги Низом»га асосан олиб борилади. Корхона ўз пул маблағларини банкдаги ҳисоб-китоб счётида сақлаши лозим. Аммо маълум белгиланган лимит микдоридаги пул маблағлари корхона кассасида ҳам сақланади. Ҳисоб-китоб счётидан кассага олинган пул ишчи хизматчиларга иш ҳақи, мукофот тўлаш, нафақа бериш, хизмат сафари харажатларини коплаш ва бошқа мақсадлар учун сарфланади. Банкдан олинган маблағлар белгиланган мақсадлар учун сарфланиши лозим. Сақланаётган пул маблағларининг белгиланган лимитдан ортиб кетиш ҳоллари факат иш ҳақи, нафақа, мукофот бериш кунларида юз бериши мумкин.

Касса операциялари моддий жавобгар шахс бўлган кассир томонидан юритилади. Банкдан пул олиш учун корхонага чек дафтарчаси берилиб, унда банкдан олинган пулнинг микдори ва қандай мақсад учун олинаётгани кўрсатилиши лозим. Пул маблағларининг ҳаракатини расмийлаштирувчи асосий ҳужжат касса ордерлари ҳисобланади. Накд пул кассага касса қирим

ордерини расмийлаштириш билан қабул қилинади. Бу ордер бош бухгалтер ва кассир томонидан имзоланади. Пулни топширган шахсга квитанция берилади. Кассада пул берилиши касса чиқим ордери билан расмийлаштирилади. Бу ордер корхона раҳбари ва бош бухгалтер, кассир томонидан имзоланади. Чиқим ордерида пул нима учун берилгани кўрсатилади ва унга асос бўлувчи ҳужжат ордерга қушиб қўйилади. Ордерларга қушиб қўйилган дастлабки ҳужжатларга тегишли операция содир қилингандан сўнг (шу ҳужжатлар иккинчи марта фойдаланмаслиги учун) «Олинган» ёки «Тўланган» деган штамм қўйилади. Кассада пул (пул бериш ҳақидаги аризага қўра) тўлов ведомости асосида ҳам берилади. Бу ҳолда ҳужжатларга касса чиқим ордери ўрнини босувчи штамп қўйилади.

Иш ҳақи, мукофот, нафақа бериш ҳақидаги тўлов ведомостларида корхона раҳбари ва бош бухгалтернинг пулни бериш тўғрисидаги рухсат ёзуви бўлиши лозим. Касса ҳужжатлари кассага берилгунга қадар бухгалтерияда касса қирим ва чиқим ордерларини рўйхат қилиш журнаliga ёзиб қўйилади. Шундай қилиб, бухгалтерия ходимлари касса операцияларини юритиш бўйича назорат олиб бориш имкониятига эга бўлади.

Кассир пул ҳаракати билан боғлиқ операцияларнинг ҳаммасини касса дафтарчасида ҳисоб қилади. Бу дафтарча аввалдан рақамланган, сургут печати қўйилган бўлиб, ҳар бир бети икки нусхада тулғазилади. Иккинчи нусхаси йиртиб олинади ва кассир ҳисоботи бўлиб хизмат қилади. Унда иш қўни бошланишига пул қолдиғи, қирим ва чиқим операциялари суммаси, иш қўни охирига пул қолдиғи кўрсатилади. Ҳисобот бошланғич ҳужжатлар қўшилган ҳолда бухгалтерияга топширилади. Касса операцияларининг синтетик ҳисоб 5000 «Касса» счётида юритилади. Бу счётнинг дебети қўйидаги счётлар кредити билан корреспонденцияланади: 5110, 4230, 4290 ва бошқа счётлар. Кредити қўйидаги счётлар билан корреспонденцияланади: 4430, 5110, 6710 ва бошқалар. Касса инвентаризацияси бир ойда бир марта ўтказилади ва натижаси акт таққослаш ведомостида акс эттирилади. Инвентаризация вақтида пул қам қикса, у моддий жавобгар шахсдан ундириб олинади, ортиқча қикса, у ҳолда корхона фойдасига қўйилади.

Бухгалтерия ҳисобнинг журнал-ордер шаклини қўлловчи корхоналарда касса счётининг кредити бўйича ёзувлар бухгалтерияда 1- журнал-ордерга, дебети бўйича ёзувлар эса 1- ведомостга ёзиб борилади. Бу регистрларга ёзув касса дафтарчалари асосида касса счёти билан корреспонденцияланган ҳар бир синтетик счёт бўйича ёзиб борилади.

5. Ҳисобдор шахслардаги маблағларни ҳисобга олиш

Корхонанинг баъзи харажатлари ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилади. Корхонанинг айрим ходимларига хизмат сафари харажатлари, айрим майда Хўжалик харажатлари учун кассада маблағ берилади. Масалан, хизмат сафарига кетаётган ходимга сафар харажатларини қоплаш учун кетиш олдидан бунақ берилади. Хизмат сафаридан қайтгандан сўнг уч қўн давомида ҳисобдор шахс берилган бунақни сарфлаганлиги ҳақида ёзма ҳисобот топшириши лозим.

Бунак ҳисоботига тегишли ҳужжатлар илова килинади. Бухгалтерия ходимлари топширилган ҳужжатлар ва килинган харажатларни мақсадга мувофиқлиги нуктаи назаридан текширадилар. Харажатлар суммаси корхона раҳбари томонидан текширилади. Ҳисобдор шахсга янги бунак аввалги бунак юзасидан тулик ҳисоб-китоб килингандан сўнг берилади. Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобни ҳисобга олиш учун 4220- «Хизмат сафари учун берилган бунаклар» счётидан фойдаланилади. Бу счётнинг дебет томонида сарфлаш учун берилган маблағ, кредитида эса сарфланган маблағ акс эттирилади. Ҳисоб-китоб ёзувлари 7-журнал-ордерда ҳар бир тасдиқланган бунак ҳисоботи бўйича олиб борилади ва ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китобнинг ҳам синтетик, ҳам аналитик ҳисоби юритилади.

Бунак берилиши:

Дебет 4220»Хизмат сафари учун берилган бунаклар»

Кредит 5010»Касса»

Бунак ҳисоботи асосида:

Дебет 2510»Умумишлаб чиқариш харажатлари» ва бошқа счётлар

Кредит 4220»Хизмат сафари учун берилган бунаклар»

Агар маблағ материал, эҳтиёт қисмлар ва бошқа товармоддий бойликларни сотиб олиш учун берилса, у ҳолда 4220счёт кредити 1000 ва бошқа счётлар дебети билан корреспонденцияланади. Ишлатилмаган маблағнинг кассага қайтарилишига касса счёти дебетланади.

6.Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобнинг турли шакллари асосида ҳисоб юритиш

Мол етказиб берувчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоб нақд пулсиз амалга оширилади. Амалда нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг турли шакллари уулланилади. Саноатда ҳисоб-китобнинг асосан қуйидаги: акцепт, аккредитив, махсус счётлардан, тўловтопшириклари, чек орқали, узаро зачётга асосланган ҳисоб-китоб шакллари уулланилади.

У ёки бу шаклни куллаш корхоналар ўртасида тузилган шартномада келишиб олинади, айрим вақтларда эса қайси шаклни куллаш амалдаги қонунда белгиланган бўлади.

Ҳисоб-китобнинг акцепт шаклида ҳисобга олиш. Бу шакл кенг тарқалган ҳисоб-китоб шакллари билан ҳисобланади. Амалга ошириладиган ҳисоб-китобларнинг 2-3 қисми ушбу шаклда олиб борилади. Акцепт шаклининг хусусиятларидан бири шундаки, бунда харидорга хизмат килувчи банк муассасаси мол етказиб берувчи корхона счётини харидор корхона розилик берган тақдирдагина тўлайди.

Лекин харидор корхона счётини тўлашга розилик бериши ёки тўлашдан бош тортishi ҳам мумкин. Харидор корхона счётни тўлашдан бош тортган ҳолатида банкка бу ҳақда ёзма маълум қилади. Счётни тўлашдан бош тортганлиги ҳақида ёзма равишда маълумот олинмаганда ва бошқа ҳолларда харидор счётни тўлашга рози деб ҳисобланилади ҳамда мол етказиб берувчининг счёти банк томонидан тўланади.

Ҳисоб-китобнинг бу шаклида тўлов талабнома ҳужжати асосий ҳужжат ҳисобланади. Уни мол етказиб берувчи корхона харидор корхона номига товар моддий бойликларни жунатгандан сўнг ёзади. Тўлов талабнома ҳужжати маълум белгиланган суммадан кам бўлмаган суммага ёзилади. Бу ҳужжатни мол етказиб берувчи узига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширади. Уз навбатида банк ҳужжатни харидор корхона ҳисоб-китоб чеки булган банкка жунатади. Мол етказиб берувчи бир вақтнинг узида тўлов талабноманинг бир нусхасини ва унга илова килинган ҳужжатларни почта оркали харидор корхона манзилига жунатади. Харидор корхона тўлов талабнома ҳужжатини тўлашга розилик бериши ёки тўлашдан бош тортиши мумкин. Мол етказиб берувчи ва харидор корхона турли шаҳарларда жойлашган тақдирда уч иш куни давомида счётни тўламаслиги ҳақида хабар килинмаса, тўлов талабнома ҳужжати тўлашга қабул килинди деб ҳисобланади ва счёт тўланади. Агар мол етказиб берувчи ва харидор корхона бир шаҳарда жойлашган булса, бу муддат икки кунни ташкил килади.

Ҳисоб-китоб акцепт шаклининг кейинги акцепт тартиби ҳам мавжуд. Бунда мол етказиб берувчининг счёти харидор корхона банки олган кун тўланади. Аммо шартнома шартлари бузилган булса, харидор корхонага уч кун давомида счётни тўлашдан бош тортиш ҳукуки берилади. Нотўғри тўланган маблағ яна харидор корхонага қайтарилади. Ҳисоб-китобнинг бу шакли ҳужжатлар айланиш жараёнини тезлаштиради. Демак, айтилганлардан шундай хулоса килиш мумкинки, ҳисоб-китобнинг акцепт шакли харидор корхонага мол етказиб берувчи корхонанинг шартнома шартларини бажариши устидан назорат олиб бориш имкониятини яратади.

Аккредитив - бу мол етказиб берувчи корхонага хизмат кўрсатувчи банкнинг харидор корхонага хизмат кўрсатувчи банкка жунатилган маҳсулот учун мол етказиб берувчи счётини тўлаш ҳақидаги кўрсатмасидир. Аккредитив шаклида акцепт шаклидан фарқгвд равишда счёт мол етказиб берувчи корхонага хизмат кўрсатувчи банкда тўланади. Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли асосан шаҳарлараро ҳисоб-китобларда уулланилади.

Харидор корхона мол етказиб берувчи корхонанинг счётини тўлаш учун узига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига аккредитив ажратиш ҳақида ариза расмийлаштиради. Банк харидор корхонанинг маълум миудордаги маблағини аккредитивлаштиради ва бу ҳақда мол етказиб берувчига хизмат кўрсатувчи банкка маълум килади. Маҳсулотни жунатганлиги ҳақидаги ҳужжатларни мол етказиб берувчи узига хизмат кўрсатувчи банкка топшириши билан унинг счёти тўланади. Корхонанинг уз маблағлари ёки банк қарзи ҳисобдан аккредитив ажратилиши мумкин.

Ҳисоб-китобнинг аккредитив шакли мол етказиб берувчи корхона учун мол ҳисоб-китобини тезлаштириши, харидор корхона учун эса маблағлар айланиш жараёнини секинлаштириши мумкин. Чунки аккредитив аввалдан белгиланган маълум миудордаги суммага 25 кунгача муддатга қўйилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳисоб-китобнинг бу шакли мол етказиб берувчи корхона счётини уз вақтида тўламайдиган корхоналарни жазолаш сифатида уулланилади. Аккредитив бўйича операцияларни ҳисобга олиш учун

55»Банклардаги махсус счётлар» счётидан фойдаланилади.Фойдаланилмаган ёки муддати утиб кетган аккредитив ёпилади, яъни харидор корхонага кайтарилади.

Юк обороти бунича махсус счётларда ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш. Ҳисобкитобнинг бу шакли ҳам шаҳарлараро ҳисоб-китобларда бир ёки бир нечта доимий мол етказиб берувчи корхоналар билан ҳисоб-китоб олиб боришда қўлланалади. Бу ҳолда ҳам ҳисоб-китоб мол етказиб берувчи жойлашган жойдаги банк муассасасида олиб борилади. Махсус счёт чекланмаган мўддатга маълум белгиланган суммага очилади.

Махсус счёт ҳам аккредитивга ухшаш корхонанинг уз маблағи ёки банк қарзи ҳисобдан очилиши мумкин. Бунда маблағ харидор томонидан маҳсулот жунатилгунга қадар ўтказилади. Аккредитивда эса маҳсулот жунатилгандан кейин ўтказиларди. Ҳисоб-китоб бу шаклининг аккредитив шаклидан фарқи шундаки, махсус счёт очилган жойда харидорнинг ишончли вакили бўлиб, у счётни тўлашга розилик бериш ҳуқуқига эга. Ишончли вакил махсус счётдан ҳар хил ҳаражатлар, маҳсулотни ортиш, тушириш, ташиш ҳаражатларини тўлаш учун нақд пул олиши мумкин. Юк обороти бўйича махсус счётдан олиб бориладиган ҳисоб китоб операцияларини счётларда акс эттириш ҳудди аккредитивдагига ухшаш тартибда олиб борилади.

Тўлов топшириқлари ердамида ҳисоб-китобни ҳисобга олиш. Бу шакл маҳсулотни харидорга етказиш муддати бир суткадан ошмайдиган корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобни олиб боришда қўлланилади. Тўлов топшириғи ҳисоб-китоб ҳужжати бўлиб, у истеъмолчининг узига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига узининг ҳисоб-китоб счётидан топшириққа кўрсатилган суммани мол етказиб берувчи счётига ўтказиб қўйиш ҳақидаги кўрсатмасидир. Тўлов топшириғи ҳужжати истеъмолчига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига истеъмолчи товармоддий бойликларни олган куннинг кейинги иш кунидан кечикмай топширилиши лозим.

У маълум белгиланган миқдордаги суммадан кам бўлмаган суммага ёзилади ва алоқа корхоналари томонидан амалга оширилади. Счёт тўланганидан сўнг тўлов топшириғининг нусхаси корхона бухгалтериясига келиб тушади. Ҳисоб-китобнинг бу шаклида ҳисоб-китоб билан боғлиқ операцияларни счётларда акс эттириш тартиби ҳудди акцепт шаклидагидек олиб борилади.

Чеклар ёрдамда ҳисоб-китобни ҳисобга олиш. Бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китобларни юритишда чеклар ёрдамида ҳисоб-китоб шакли қўлланалади. Ҳисоб-китоб чеки бу шундай ҳужжатки, у орқали счёт эгаси узининг счётидан маълум суммани чек олган корхона счётига ўтказиш ҳақида кўрсатма беради. Ҳисоб-китоб чеки харидор корхона томонидан мол етказиб берувчининг вакилига маҳсулот олингандан кейин берилади. Вакил чекни тўлаш учун узига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига топширади. Бу эса корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобни тезлаштиради. Чек мол етказиб берувчи вакилига берилган кундан бошлаб ун кундан сўнг уз қўлини йўқотади.

Банк томонидан акцептланган ва акцептланмаган ҳисоб-китоб чеклари ҳамда лимитланган ва лимитланмаган чек дафтарчалари берилади. Акцептланмаган чеклар асосан бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китобларда кулланилиб, уни интизомли истеъмолчиларга нисбатан куллашга рухсат этилади. Акцептланган чеклар бюджет муассасалари билан ҳисоб-китоб олиб боришда уулланилади. Бунда бюджет билан ҳисоб-китоб олиб боровчи корхона банкка акцепт килиш учун чек кўрсатиши лозим.

Мол етказиб берувчи транспорт ташкилотлари, алоқа корхоналари билан ҳисоб-китоб олиб боришда банк лимитланган чек дафтарчаларини ҳам куллайди. Лимитланган чек дафтарчалари олти ой муддатга ва маълум белгиланган суммадан кам бўлмаган миқдорда лимит суммасига ёзилади. Лимитланган чек дафтарчаси корхонанинг ҳисоб-китоб счётидаги маблағ ҳисобидан ёзилади ва банк муассасаси томонидан махсус счётада депонентлаштирилади. Кейинчалик ушбу депонентлаштирилган чек дафтарчаларидаги маблағдан мол етказиб берувчи корхона чеклари тўланади. Чек дафтарчалари банк қарзлари ҳисобдан ҳам берилиши мумкин.

Истеъмолчи ёзилган чекни мол етказиб берувчи корхона вакилига бергач, мол етказиб берувчи корхона вакили узининг банкидан чек асосида ҳисоб-китоб счётига гул ўтказди.

Чек дафтарчалари 5500-»Банклардаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга оловчи счётлар» счётида ҳисобга олинади. Чек дафтарчасини олиш билан боғлиқ операцияларни счётларда акс эттириш худди аккредитив очишга ухшаш тартибда олиб борилади.

Лимитланмаган чек бўйича лимит белгиланмайди ва маблағ депонентлаштирилмайди. Бундай чек дафтарчалари махсус қарз счёти бўйича кредит оладиган корхоналар, транспорт ташкилотлари ва алоқа корхоналарига бир йилгача муддатга берилади. Харидор томонидан товармоддий бойликларни лимитланмаган чек дафтарчаларидаги қарз счётидан тўлаш счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт 5520-»Чек дафтарчалари»

Кт 6010-»Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Жунатма (посилка) ва юкларни ташиш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар бўйича лимитланган ва лимитланмаган дафтарчалар ҳисоб 4800-» Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга оладиган счётлар» ва 6800-»Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга оладиган счётлар»да юритилади. Чеклар банк кредитлари ҳисобидан тўланади. Банк муассасаси транспорт ташкилоти ва алоқа корхонаси топширган чекни банк кредити ҳисобидан тўлайди. Бунда корхона тўланган ушбу суммага қуйидагича бухгалтерия проводкаси расмийлаштирилади:

Дт 6810-»Банкнинг қисқа муддатли кредитлари»

Кт 4800, 6800-»Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар»

Режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоб шакли корхоналар ўртасида, яъни мол етказиб берувчи ва харидор ўртасида доимий алоқа мавжуд бўлган ҳолларда уулланилади. Ҳисоб-китобнинг бу шакли машинасозлик

корхоналарида, кумир, газ, металл сотиб олишда, деталларни жунатишда, озик-овкат саноати корхоналари билан савдо ташкилотлари ўртасида нон, сут маҳсулотларини сотиш ва сотиб олишда уулланилади. Унинг хусусиятларидан бири шундаки, ҳисоб-китоб ҳар бир жунатилган маҳсулот учун эмас, балки маълум белгиланган муддатда, яъни ҳар куни ёки 35 кунда бир марта олиб борилади. Ҳисоб-китобнинг тўғри олиб борилиши банк томонидан назорат қилиб борилади. Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидор ёки мол етказиб берувчи томонидан ёзилиши мумкин. Вақти-вақти билан жунатилган маҳсулот ва тўланган пул текшириб турилади. Ўртадаги фарк қўшимча маблағ тўлаш ёки маҳсулот жунатиш билан тартибга солинади.

Ҳисоб-китобнинг бу шаклида мол етказиб берувчи «Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб» счётидан фойдаланади.

узаро тўловга асосланган ҳисоб-китоб шаклида корхоналарнинг узаро талабномаси бир хил суммага қайтарилади, счётлар тулик тўланмайди. Ҳақиқий тўлов ўртадаги фарк суммасидагина олиб борилади. Корхоналар ўртасидаги узаро зачётга асосланган ҳисоб-китоб банк томонидан белгаланган тартибда ва факат узаро талабномалар мавжуд бўлган тақдирда ташкил қилинади. Агар зачет қолдиги ушбу корхона фойдасига бўлса, қолдиқ суммаси унинг ҳисоб-китоб счётига ўтказилади, агар корхонанинг фойдасига бўлмаса, унинг счётидан тегишли корхона ҳисоб-китоб счётига ўтказилади.

7. Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Корхона хизматчилари билан иш ҳақи, депонентлар ва моддий жавобгар шахслар бўйича ҳисоб-китоблардан ташқари бошқа ҳисоб-китоб турларини ҳам амалга ошириш мумкин. Кредит ҳисобига сотиб олинган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар, яқка тартибда, кооператив уй жойлари сотиб олиш учун олинган ссудалар, материал йукотишларни қоплаш учун берилган суммалар бўйича ҳисоб-китоблар одатда купрок юзага келадиган ҳисоб-китоблар ҳисобланади.

Ушбу ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун 4700-»Бошқа операциялар бўйича ходимлар қарзини ҳисобга олувчи счётлар» мулжалланган. Бу счётларга қуйидагилар киради:

4710-»Ходимларнинг қарзга берилган товарлар бўйича қарзлари».

4720-» Ходимларга берилган заёмлар бўйича қарзлари».

4730-» Ходимларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзлари».

4790-»Ходимларнинг бошқа қарзлари».

Кредитга товарлар сотиб олишни хоҳлаган хизматчилар узлари ишлайдиган корхона бухгалтериясидан кредитга товар сотиб олиш учун хизмат мансаби, иш ҳақи, нимани ва қаердан сотиб олишини кўрсатувчи маълумотномани олишлари керак. Маълумотнома товар сотиб олиш вақтида дуконга топширилади. Дукон топширикномамажбуриятномани расмийлаштириб, харидорнинг корхонасига жунатади. Корхона уз хизматчиси кредитга сотиб олган товар суммасини тулик қоплайди ва дуконга ўтказиб беради. Ушбу мақсад учун корхона банкнинг шу мақсад учун ажратилган махсус ссудасидан фойдаланиши мумкинки, уни корхона ишчиларнинг иш ҳақидаи ушлаб қолиш орқали қоплайди. Агар корхона банк

ссудаларидан фойдаланмаса, у холда товар учун олинган кредит иш хақидан ушлаб колиш оркали копланеди. Бухгалтерия ҳисобда буларнинг барчаси қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан акс эттирилади:

Банк кредитлари ҳисобдан савдо ташкилотларининг тўлов ҳужжатлари асосида тўлов амалга оширилганда:

Дт 4710-»Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти («Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимлар карзи»).

Кт 6910-»Тўланадиган қисқа муддатли ижара».

Хизматчиларнинг иш хақидан ушлаб колинганда:

Дт 6710-»Ходимлар билан меҳнат хақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти. Кт 47Ю-»Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти («Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимлар карзи»).

Банк ссудалари қайтарилганда:

Дт 6810-»Қисқа муддатли банк кредитлари» счёти.

Кт 5110-»Ҳисоб-китоб счёти».

Корхона банк ссудаларидан фойдаланмаса, кредитга сотилган товарлар учун савдо ташкилотлари олдидаги қарзларни коплаш учун хизматчиларнинг иш хақидан ушлаб колинганда қуйидагича ёзувлар акс эттирилади:

Дт 6710-»Ходимлар билан меҳнат хақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

Кт 4890, 6900-»Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётлари.

Ушлаб колинган суммалар савдо ташкилотига ўтказиб берилганда:

Дт 4890, 6990»Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счётлари.

Кт 5110»Ҳисоб-китоб счёти».

«Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи» (4720) счётида корхона ишчиларига берилган қарзларига оид ҳисоблашишлар, яъни индивидуал (якка), кооператив уйжой қурилишига, далаховлиларни харид қилиш ёки қуриш учун берилган қарзлар акс эттирилади.

«Моддий зарарни коплаш бўйича ходимларнинг қарзи» (4730) счётида корхона ходими томонидан пул ва товармоддий захираларнинг камомати ва талонтарож қилиниши, яроксиз маҳсулот натижасида юзага келган моддий зарарни қоилаш бўйича, шунингдек, зарарнинг бошқа турларини коплаш бўйича ҳисоблашишлар ҳисобга олинади. «Моддий зарарни коплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счётининг кредити бўйича ёзувлар тўланган тўловлар суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан, моддий зарарни коплаш учун меҳнат хақидан ушлаб қолинадиган суммаларга 6710- «Ходимлар бклан меҳнат хақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти билан корреспонденцияда амалга оширилади

«Ходимларнинг бошқа қарзлари» (4790) счётида юкорида қайд қилинган қарзлардан бошқа вужудга келган қарзлар юзасидан ҳисоблашишларнинг ҳисоб корхонанинг хар бир ходими бўйича юритилади. Ушбу счётларда аналитик ҳисоб қарзнинг хар бир тури ва қарздор шахс бўйича махсус карточкаларда юритилади.

8. Бюджет, бюджетдан ташкари тўловлар юзасидан ҳисоб-китоблар ҳисоб

Корхоналар ҳар доим бюджет билан ҳисоб-китоб олиб боради. Бюджетдан бериладиган маблағларнинг доираси ҳозирги кунда жуда чекланган. Бюджет билан ҳисоб-китобларнинг асосий қисми тўловларлир. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан ушлаб қолишлар (фуқаролардан олинадиган даромад солиғи).
2. Реализацияга олиб бориладиган (қушилган киймат, акциз).
3. Корхона фойдасидан тўланадиган даромад (фойда) солиғи.
4. Молиявий натижаларга олиб бориладиган жарима, икгисодий санкциялар.

Бюджет билан ҳисоб-китоблар 6410»Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» синтетик пассив счётида ҳисобга олинади. 6410счёт бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб тўлов турлари 8журналордерда юритилади.

Тўловларнинг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Ҳар бир тўлов тури учун тўлов муддати ва солиу инспекциясига ҳисобот тоғтшириш муддати белгаланган. Чорак тугагандан сўнг ҳисоб-китоблар яна қайта текшириб аниқланади. Ортиқча ўтказилган маблағлар кейинги тўловлар учун ҳисобланади ёки корхонага қайтарилади, кам тўланган суммалар охиригача тўлаб қуйилади.

Бухгалтерия ҳисобда бюджетга тўловлар ҳисобланганда қуйидаги проводкалар расмийлаштирилади:

1. Фуқаролардан олинадиган даромад солиш ҳисобланганда:
Дт 6710-»Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб китоблар» счёти.
Кт 6410-»Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти.
2. Солиу ва тўловларга (молмулкдан тўланадиган солиу, экология, ер, реклама солиғи, йул фондига ажратма ва х.к.)счётларда қуйидагича акс эттирилади:
Дт 9430-»Бошқа операцион харажатлар» счёти.
Кт 6410-»Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти.
3. Маҳсулот реализациясига олиб бориладиган солиуларга (экспортбожхона тадбирлари, ккС):
Дт 5110-»Ҳисоб-китоб счёти».
Кт 9210-»Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти.
Дт 9210-»Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти.
Кт 6410-»Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» счёти.
4. Корхона фойдасидан тўланадиган солиу суммаларга:
Дт 9810-»Даромадлар (фойда)га солинадиган солиу бўйича харажатлар» счёти.

Кт 6410-»Бюджетга тўловлар бўйича карзлар» счёти.

5. Молиявий натижаларга олиб бориладиган тўловларга:

Дт 9910»Якуний молиявий натижа» счёти.

Кт 9810-»Даромадлар (фойда)га солинадиган солиу бўйича харажатлар» счёти.

6. Ҳисобланган солиу ва тўловлар суммалари бюджетга ўтказиб берилганда қуйидагича ёзувлар расмийлаштирилади:

Дт 6410-»Бюджетга тўловлар бўйича карзлар» счёти.

Кт 5110-»Ҳисоб-китоб счёти».

7. Агар корхонанинг бюджетдан карзи банкдан олинган карзлар ҳисобдан тўланса, у ҳолда:

Дт 6410-»Бюджетга тўловлар бўйича карзлар» счёти.

Кт 6810-»Банкнинг киска муддатли кредитлари» счёти бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади.

Корхона бюджетга тўловлар қилиш билан бирга бюджетдан ташқари ва бошқа фондларга (нафақа, бандлик (иш билан таъминлаш), ижтимоий суғурта фонди ва бошқ.) ҳам тўловларни амалга ошириши лозим. Корхонанинг тўловлар бўйича бюджетдан ташқари ҳисоб-китоблари 6520»Давлат мақсадли фонларига тўловлар» счётида умумлаштирилади ҳамда 6510»Суғурта бўйича тўловлар» счётидан фойдаланилади. Тўлов учун ҳисобланган суммалар учун ушбу сётлар кредитланади, ўтказиб берилган суммалар учун дебетланади. 6520»Давлат мақсадли фондларига тўловлар», 6510»Суғурта бўйича тўловлар» сётлари бўйича синтетик ва аналитик ҳисоб тўлов турлари бўйича 8журналордерда юритилади.

9. Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби. Ҳар хил дебитор ва кредиторлар

билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш

Корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш Хўжалик фаолияти натижасида жарима ва ҳисоб-китоб счётига хато қилиб тушган пул ёки ҳисобдан чиқарилганлиги натижасида бир томоннинг иккинчи бир томонга дахвоси бўйича ҳисоб-китоблар қилиб чиқиши мумкин. 6810»Дахволар юзасидан ҳисоб-китоблар» счёти ҳисоб-китобнинг ушбу турини ҳисобга олиш учун мулжалланган. Ушбу сётнинг дебети бўйича корхона томонидан ҳисобдан чиқарилган ёки сарфланган, лекин қуйидаги сётларнинг кредити билан корреспонденцияда бўлиб қопланадиган сумма акс эттирилади: 6010-»Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларига нисбатан дахво суммалари ушбу суммалар уларнинг счётини текшириш натижасида шартномада кўрсатилган сифат, сон ва тарифларга мос келмаслиги, арифметик хатоликларга йул қуйилганлигини аниқлаш орқали қилиб чиқади; 9430-»Бошқа операция харажатлар» счёти тўловчи томонидан тан олинган ёки Олий Хўжалик суди томонидан буюрилган хажмда мол етказиб берувчининг айби билан буш туриб қолишлар учун кўрсатилган дахво суммаси; 2610-»Ишлаб чиқаришдаги яроксизлик» счёти тўловчи томонидан

тан олинган ёкм Олий Хўжалик судининг уарорида кўрсатилган хажмда мол етказиб берувчининг айби билаи йул куйилган брак учун кўрсатилган дахво сумммаси; 5110-»Хисоб-китоб счёти» счёти ҳисоб-китоб счётидан нотўғри (хато) ҳисобдан чиқарилган (ёки ҳисоб-китоб счётига нотўғри келиб тушган) суммалар учун банк идораларига кўрсатилган дахволар; 9900-»Якуний молиявий натижа» счёти тўловчи томонидан тан олинган ёки Олий хужатик судининг уарорида кўрсатилган хажмда шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун мол етказиб берупчи ва транспорт хизматларини кўрсатувчи ташкилотларга нисбатан кулланилган жарима, пеня суммалари.

Тўловлар пул маблағлари счётига келиб тушганда 6860»Дахволар юзасидан ҳисоб-китоблар» счётининг кредити корреспонденцияда булади. «Дахволар юзасидан ҳисоб-китоблар» счётининг синтетик ҳисоб 8-журнал-ордерда, аналитик ҳисоб эса 7-ведомостда хар бир дебитор ва алохида дахволар бўйича юритилади.

Хар хил дебитор ва кредиторларга нотижорат характеридаги операцияларни олиб борувчи ташкилотлар (олий укув юртлари, илмий муассасалар); кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоблар олиб бориладиган транспорт (темир йул ва сув) ташкилотлари; ташкилот ва шахслар депонентлари, ижро ҳужжатлари асосида ушлаб қолишлар, нотурар жойларни ижарага олувчилар ва хоказолар киради. Ижро ҳужжатлари ёки суд органларининг уарорига мувофик, турли ташкилотлар ва алохида шахсларнинг фойдасига иш ҳақи қуйидагича проводка билан акс эттирилади:

Дт 6710-»Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

Кт 4790-»Ходимларнинг бошқа қарзлари» счёти.

Уларга пул ўтказилганда ёки тўланганда қуйидагича бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади:

Дт 4790-»Хоимларнинг бошқа қарзлари» счёти.

Кт 5110-»Хисоб-китоб счёти» ёки «Касса счёти».

Ундириб олиниши гумон булган дебиторлик қарзлари корхона раҳбариятининг уарорига мувофик даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисоблан ёки бундай резерв ташкил этилмаган булса, ушбу қарзларнинг корхона зарарини купайтириш ҳисобга (ёки соф фойда ҳисобдан коплаш) ҳисобдан чиқарилади. Дахво қилиш муддати тугаган барча кредиторлик қарзлари Хўжалик фаолияти натижаларига, яъни фойдага олиб борилиши лозим.

Хар хил дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг синтетик ҳисоби 8-журнал-ордерда, аналитик ҳисоб эса хар бир дебитор ва кредитор доирасида 7-ведомостда юритилади. Бунинг учун ведомостда чорак, ярим йил ва йил мобайнида бўлиши мумкин булган операциялардан келиб чиққан холда хар бир дебитор ва кредиторларга мулжалланган катор ажратилади. Бу ведомостга ёзувлар дастлабки ҳужжатларнинг маълумотлари асосида езилади. Улар оборот ведомости принципига асосланган бўлиб, кредитли оборотлар тегишли счётларнинг дебети билан корреспонденцияланади. Ой охирида хар бир дебитор ва кредитор бўйича ҳамда ҳамма дебитор ва

кредиторлар бўйича якун аниуланади. Ой давомидаги кредитли оборотлар 8-журнал-ордерга кўчириб езилади.

10. Чет эл валютасидаги операцияларни ҳисобга олиш

Чет эл валютаси бир нечта турларга бўлинади:

1) чет эл валютаси бошқа давлатларнинг банкнот, коғоз пуллар, танга қуринишидаги пул белгиси бўлиб, муомалада қонуний тўлов воситаси сифатида қатнашади. Чет эл давлатларининг счётлардаги маблағи, уларнинг пул ёки халқаро пул ва ҳисоб-китоб бирлигидир;

2) чет эл валютаси қимматли қоғозлар қуринишида ҳам бўлади. Булар тўлов ҳужжатлари, чеклар, векселлар, аккредитивлар, пул қийматликлари, акциялар, облигациялар ва бошқа чет эл валютасида ифодаланган қарз мажбуриятлари;

3) қимматбаҳо металллар (олтин, қумуш, оқ олтин ва бошқ.).

Чет эл валютаси ундан фойдаланиш нуқтаи назарига қура қуйидагиларга бўлинади:

1. Эркин конвертация қилинадиган.
2. Конвертация қилинадиган.
3. Яққа ҳолдаги.

Эркин конвертирланадиган валюта эркин ва четланмаган ҳолда бошқа чет эл валюталарига алмаштириладиган валюталардир (АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, франиян франки, немис маркаси, Италия лираси ва бошқ.).

Конвертирланадиган валюта иштирокчилар томонидан қилишилган узаро муқобил маблағ ва мажбуриятлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобдаги валютадир. У бухгалтерия ёзуви қуринишида банк счётларида уз ифодасини топади.

Яққа ҳолдаги (конвертирланмайдиган) валюта бу миллий валюта бўлиб, у фақат битта давлат чегарасида ҳаракатда бўлади ва бошқа чет эл валютасига алмаштирилмайди.

Валюта операциялари валюта бойликларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ қорхоналарда амалга оширилган операциялардир. Чет эл валютаси ва чет элнинг қимматли қоғозлари билан бўладиган операциялар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Жорий валюта.
2. Капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари.

Жорий валюта операцияларига қуйидагилар қиради: 1)товар, иш, хизматлар экспорти ва импорти бўйича тўловларни қечиқтирмасдан амалга ошириш учун чет эл валютасини республикага олиб қириш ва республикадан ўтказиш ҳамда 180 кундан ортиқ бўлмаган муддатга экспорт-импорт операцияларини қредитлаш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

2) 180 кундан ортиқ бўлмаган муддатга молия қредитларини олиш ва бериш;

3) республикага ва республикадан фоизлар, дртвидендлар ва улуш бўйича бошқа даромадларни, капитал ҳаракати билан боғлиқ инвестициялар, кредитлар ва бошқа операцияларни ўтказиш; савдо характериға эға бўлмаған меҳнатға ҳақ тўлаш суммалари, нафақа, алиментлар ҳамда бошқа шунға ухшаш операциялар суммаларини ўтказиш.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига қуйидагилар киради:

1) тўғри инвестициялар, яъни корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини олиш ва даромад ундириш мақсадида корхона устав капиталига маблағ қуйиш;

2) портфел инвестициялари, яъни қимматли қогозларни сотиб олиш;

3) бино, иншоот ва бошқа мулк, ер ҳамла унинг бойликлари қушилғап ҳолда республиканинг амалдаги қонунларига қура, жойлашған жойи, қучмас мулкка мулкчилик ҳуқуқи тўловини ўтказиш ҳамда қучмас мулк бўйича бошқа ҳуқуқпар, товар, иш, хизматлар экспорти ва импорти бўйича 180 қундан ортиқбулған муддатға тўлов муддатини кейинға суриш ва тақдим этиш;

4) 180 қундан ортиқ бўлмаған муддатға молия кредитларини тақдим қилиш ва олиш.

Ўзбекистон суми валюта базаси бўлиб ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, бухгалтерия ҳисобда ҳамма ёзувлар акс этирилған Хўжалиқ операцияларида амалда фойдаланилған валюта туридан қағғи назар сумларда олиб қорилади.

Валюта қурси аукционларда, биржаларда, халқаро банк бозорида, тижорат банклари ҳамда бошқа юридик шахс ва фуқаролардан валюта сотиб олиш сотишда тақлиф ва талаб асосида тарқиб топадиган бошқа миллий ёки халқаро валюта баҳрсининг сумдаги ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида операцияларни амалға ошириш мулкчилик шаклидан қайтиян назар ҳамма қорхона, бирлашма, ташқилот, муассасаларда «Бухгалтерия ҳисоб, статистик ва бошқа ҳисоботларда чет эл валютасида операцияларни акс этирилиш тартиби ҳақидаги Низом»ға мувофиқ олиб қорилади. Мазкур Низом Молия вазирлиги, Давлат Солиу қумитаси, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Марказий банкнинг 7 ноябр 2001 йқл №119, №2001111, №34 ва 205 В сон уарори билан тасдиуланған ва Адлия вазирлигида 1085-сон билан 16.11.2001 йилда қуйхатдан утған.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг 25 октябр 2001 йилдаги 422-сонли «Ички валюта бозорида алмашинув қурсларини ихчамлаштириш бўйича қоралар ҳақида»ги уарорига мувофиқ ишлаб қиуилған.

Бухгалтерия қисобида валюта маблағлари чет эл валютасида Хўжалиқ операцияси содир булған муддатға Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қурси бўйича тенг эквивалентда акс этирилади. Жумладан:

1) қассадаги валюта маблағлари, банкдаги депозит ва қарз сётларидаги маблағлар;

2) чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;

3) юкбожхона декларацияси расмийлаштирилган муддатда тузилган шартнома бўйича импорт килинган товармоддий бойликларнинг қабул килиниши;

4) божхона тўловларини амалга ошириш;

5) чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатлари;

6) чет эл валютасидаги кимматли коғозлар.

Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бухгалтерия ҳисобда сотиб олиш ва сотиш кунида Марказий банк курси бўйича акс эттирилади. Чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш вақтида вужудга келадиган курс фарқи (ижобий) «Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар (ижобий)» субсчётида (9540) ҳисобга олинади.

Чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш вақтида вужудга келадиган салбий курс фарқлари «Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга оладиган счётлар» (9600) счётининг «Курс фарқларидан куриладиган зарарлар (9620)» субсчётида ҳисобга олинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳар ойда ҳисобот оyi охири кунида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолайдилар. Бунда ташкил буладиган курс фарқлари, юкорида қайд этилганидек, «Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадлар (ижобий фарқ)» счётининг «Курс фарқларидан олинadиган даромадлар (ижобий фарқ)» субсчётида ва салбий фарқлар эса «Молиявий фаолият бўйича куриладиган зарарлар» субсчётида ҳисобга олинади.

Баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киради:

1) кассадаги, банкдаги депозит ва қарз счётларидаги валюта маблағлари, жумладан, аккредитивлар;

2) чет эл валютасидаги пул маблағлари;

3) чет эл валютасида ифодаланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, кредитлар ва заёмлар;

4) чет эл валютасида ифодаланган киска муддатли ва узок муддатли кимматли коғозлар.

Қайта баҳоланмайдиган баланс моддаларига қуйидагилар киради:

1) чет эл валютасига сотиб олинган Хўжалик юритувчи субъект мулки (асосий воситалар, номоддий активлар, товармоддий бойликлар, инвентар ва Хўжалик мосламалари);

2) Хўжалик юритувчи субъект устав капитали (фонди) миудори ва тахсисчилар улуши.

Ҳар ойда баланс моддаларини қайта баҳолаш натижасида вужудга келадиган ижобий ва салбий курс фарқлари бухгалтерия ҳисобда тегишли бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади ва кейинчалик корхона молия Хўжалик фаолияти натижаларига қуйидаги тартибда олиб борилади:

1) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича қарз қайтарилганда;

2) бошқа ҳолларда тегишли баланс валюта моддалари билан Хўжалик операциялари содир бўлганда.

Бухгалтерия ҳисобни юритишни ихчамлаштириш мақсадида юкорида эслатилган низомда ижобий ва салбий курс фаркларини «Молиявий натижаларни ҳисобга оладиган счёт»га курс фаркининг ўртача миудори бўйича ёзишга рухсат берилиши таъкидлаб утилган. Курс фаркини тегишли счётга ёзишда уулланиладиган усул Хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатида уз аксини топиши лозим.

Корхона молияХўжалик фаолияти натижаларига ёзилган ижобий фарк суммасига даромаддан (фойдадан) солиу бўйича солиука тортиш базаси купаяди, агар фарк салбий булса, у холда аксинча, салбий фарк даромаддан (фойдадан) солиу ҳисобланганда солиука тортиш базасидан чиқариб ташланади.

11. Чет эл валютасида касса операциялари ва валюта счёти бўйича операциялар ҳисоб

Корхонанинг валюта маблағлари банкларнинг транзит ва жорий валюта счётларида сакпаниши лозим. Транзит валюта счётида чет эл валютасида келиб тушган маблағларни ўтказиш билан бовлик операцияларнинг ҳисоб юритилади. Жорий валюта счёти эса чет эл валютаси тушумининг бир кисмини мажбурий сотишдан кейин корхона ихтиёрида коладиган маблағни кисобга олишга мулжалланган.

Чет эл валютасининг ҳисоб 52-«Валюта счёти»да ҳисоб-китоб пул хужжатлари езилиш санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича кайта ҳисобланган сумда юритилади. 5200-«Валюта счёти»га 2 та субсчёт очилади. 5210-«Мамлакат ичида валюта счёти», 5220-«Чет элдаги валюта» субсчётлари.

Накд чет эл валютасининг ҳисоб 5000-«Касса» счётининг 5020-«Чет эл валютасидаги пул маблағлари» субсчётида юритилади. Ҳисоб икки хил баҳода юритилади:

1. Валюта турлари бўйича.
2. Сум эквивалентида (тенглаштирилган холда).

Пул маблағларидан чет эл валютасининг аналитик ҳисоб, одатдагидек, касса китобида, синтетик ҳисоб эса 1 ва 2-журнал-ордерларда ва шунингдек, 1 ва 2-ведомостларда сум тенглигида юритилади. Валюта счётларидан маблағларни тегишли счётга ёзиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда олиб борилади.

ҚИСҚА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР

1. Олинадиган счётлар ва мажбуриятлар бўйича ҳисоблашишларнинг ҳисобини

мақсади ва вазифасилари

2. Олинадиган счётлар ҳисоби.

3. Қисқа муддатли мажбуриятларни ҳисобга олиш.

4. Узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олиш.

1. Олинадиган счётлар ва мажбуриятлар бўйича ҳисоблашишларнинг ҳисобини мақсади ва вазифаси. Ҳар бир субъект ўз фаолияти давомида бошқа хўжалик алоқаларини амалга оширола натижаси вужудга келадиган дебитор ва кредитор Ушбу қарзларнинг руёбга чиқиши маблағини четга жалб қилишга ва ундан даражаси пасайишига олиб келади. Ўрганишдан ўрган ушбу ҳолатнинг ечишнинг моҳияти ва субъект учун ахам ҳисоблашишларни ўз вақтида амалга ошириш тартиблари ва қулланиладиган ҳужжатларни таснифлашдир.

Қўйилган вазифаларни бажариш ва мақсадга эришиш учун вазиятли масалалар, муомалалар кеселтирилганки, бундан мақсад талабаларнинг билимини яна ҳам чуқурлаштиришдир.

А. Олинадиган счётлар (дебиторларнинг қарзлари)»

Субъектлар ўз фаолияти давомида бошқа субъектлар билан доимо алоқада бўладилар. Ушбу алоқалар:

а) Харидор ва буюртмачиларга маҳсулот сотганда иш бажарганда ёки хизмат кўрсатганда;

б) мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўнақлар берилганда;

в) харидор ва буюртмачиларнинг қарзи бўйича;

г). мол етказиб берувчилар, пудратчиларга бериладиган даъволар, жарима ва усимлар;

д) ўз ходимларига сотилган товарлар, берилган қарзлар, етказилган моддий зарарлар;

е) ходимлар билан меҳнат ҳақи, муҳофт ва бошқа муомалалар бўйича;

ё) бошқа субъектлар билан чек бўйича ҳисоблашишлар;

Олинадиган счётлар қуйидаги тартибда гуруҳлаштирилади:

1. қарзнинг тўлов муддатига кура — қисқа ва узоқ муддатли;

2. Фаолият турлари бўйича — асосий-молиявий ва ундан ташқари.

Тан олиш ва ўлчаш тамойили дебиторлик қарзи билан боғлиқ бўлган хўжалик муомалаларининг асоси ҳисобланса, даромадларга боғлиқ олинадиган счётлар фақатгина уларнинг олинисига ишонч ҳосил қилгандагина тегишли счётларда қайд қилинади.

Олинадиган счётлар субъектнинг асосий ишларб чиқариш ва молиявий фаолияти жараёнида содир бўладиган дебиторлик қарзларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Улар бўйича маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати (дебиторлик қарзи) куйидаги счётларда ёритиб борилади.

4000 -«ҳаридор ва буюртмачилардан олинадина счётлар».

4100- «бўлинмалардан олинadиган счётлар»

4200- «ҳодимларга бериладиган бўнақлар»

4300- «мол етказиб берувчи ва пудратчиларга бериладиган бўнақлар»

4400 – «солиқлар бўйича бўнақ тўловлари»

4500 – «мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари»

4600- «таъсисчилардан устав капиталига бадаллар бўйича қарзи»

4700 - «бошқа муомалалар бўйича ҳодимларнинг қарзи»

4800- «турли хил дебиторлик қарзлари»

4900 – «шубҳали қарзлар бўйича захиралар»

Субектлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини харидор ва мижозларга сотадилар, уларнинг буюртмаси бўйича ишларни бажарадилар ва хизмат кўрсатадилар. Ушбу фаолияти натижасида агарда олинadиган тўлов амалага оширилмаса, яъни кредитга маҳсулот сотилса, иш бажарилса ва хизмат кўрсатилса, уларнинг субъект олдида қарзи рўёбга чиқади.

Олинadиган ушбу суммалар тегишли ҳужжатлар-счёт-фактура, юк хати, товар-транспорт юк хати, далолатномалар билан тасдиқланади ва тегишли счётлар 4000 -«ҳаридор ва буюртмачилардан олинадина счётлар»нинг дебет томони ва 9000 –«маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан олинadиган дародамлар»счётининг кредитига қайд қилинади.

Агарда харидор ва буюртмачилар қарзини тўласалар тўланган сумма 5000, 5100, 5200 счётларнинг дебет томонида ва 4000 счётининг кредит томонида акс эттирилади.

Бундан ташқари, Ушбу счётда олинган васиқалар ҳам ҳисобга олиб борилади. Чунки Васиқа маъхлум муддат ичида кўрсатилган суммани тўлаш мажбуриятини таъминлайди. Васиқанинг тўлов муддати бир йилдан кам бўлмаса, у ҳолда ремитент (олувчи) уни олинган васиқалар сифатида баланснинг активлар бўлимида, Васиқа берувчи эса ўз балансида жорий мажбуриятлар бўлимида акс эттиради.

Ҳозирги даврда купчилик компания ва концернлар истеъмолчиларга яқинлашиш ва уларнинг талабини тўлиқ қондириш мақсадида жойларда авлод корхоналари, филиаллар ва ваколатхоналар очмоқдалар. Натижада бош субъект билан ушбу бўлинмалар ўртасида ўзаро ҳисоблашувлар рўёбга чиқмоқдаки, уларни қайд қилиш ва назорат ўрнатиш учун 4100 — «Мустақил балансга ажратилган бўлинмалардан олинadиган счёт» кулланилади. Ушбу счётнинг дебет томонида бўлинмаларга берилган моддий кийматликлари (Кредит 0100, 1000, 1100, 2800, 2900), пул мабларлари (кредит 5000, 5100, 5200) уларнинг ўрнига амалга оширилган тўловлар қайд қилиб борилади.

Субъект уз фаолияти давомида ҳодимларга меҳнат ҳақи юзасидан ва тезкор муомалаларни амалга ошириш учун бунақ беради. Ушбу бунақлар турларига қараб, меҳнат ҳақи бўйича, хизмат сафари, хўжалик сарфлари бўйича тегишли 4200 — «Ҳодимларга берилган бунақлар» счётларида ҳисобга олиб борилади. Бунақлар ҳодимларга берилганда тегишли

хужжатларга— кайднома, билдиришнома, буйруқ ва аризага асосан- 4210, 4220, 4230 ва 4290 счётларнинг дебет томонида ва 5000 счётнинг кредитида кайд қилинади. Берилган бунақлар ҳисобдан чиқарилганда уларнинг йўналиши ва сарфланиш объектидан келиб чиққан ҳолда меҳнат ҳақи бўйича дебет 6710, хизмат сафари бўйича дебет 2010, 2300, 2500, 9410, 9420, хўжалик сарфлари бўйича дебет 9420 счётларга 4200 счётдан ҳисобдан чиқарилади.

Бундан ташқари, субъектлар активларни етказиб бериш ишларни бажариши ва хизмат кўрсатиш, қисман тайёр булган маҳсулот ва ишлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тузилган шартнома ва далолатномаларга асосланиб, олдиндан бунақ берадилар.

Берилган бунақлар турларига қараб, 4310, 4320, 4330 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар" счётларининг дебет томонида ва 5000, 5100, 5200 счётларнинг кредитида кайд қилинади.

Субъектлар "Солиқ кодекси"да кўрсатилган тўловлар бўйича бюджет билан ҳисобларни амалга оширади. Ушбу ҳисобланган қарз суммаси 6410— "Бюджетга булган қарз"счётининг кредит томонида акс эттирилади. Лекин йил давомида белгиланган тартибда ва графикка асосланиб, субъектлар Ушбу солиқлар бўйича бюджетга бунақ суммасини ўтказиб борадилар: дебет 4400—"Солиқлар бўйича бунақ тўловлари» ва кредит- 5200счётлари. Йилнинг охирида тўланган бўнақ суммалари тўлиқ ҳисоблашишда инобатга олинади: дебет 6410 ва кредит 5100, 5200.

қонунчиликга мувофиқ солиқлардан ташқарии субъектлар суғурта тўловлари ва давлатнинг мақсадли жамғармаларида ҳам тўловларни амалга оширадилар. Ушбу тўловлар бўйича қарзлар 6500- «мажбурий тўловлар бўйича қарзлар» счётининг кредит томонида кайд қилинади. Лекин йил давомида ушбу тўловлар бўйича бўнақ суммалари белгиланган график бўйича тўланади. Бу тўланган суммалар турларига қараб, 4510 —«суғурта бўйича бўнақ тўловлари » ва 4520 - «давлатнинг мақсадли жамғармалари бўнақ тўловлари » счётларининг кредитида акс эттирилади, йилнинг охирида эса бўнақ суммаси тўлиқ ҳисоблашиш жараёнида инобатга олинади: дебет 6510, 6520 ва кредит 4510, 4520.

Фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари, кооперативларнинг таъсисчилари ўз сармояларини Ушбу субъектларнинг устав капиталига улуш ёки бадал сифатида қўядилар. қўйилган улушлар ёки бадалларнинг ҳисобини юритиш ва ҳисоблашиш устидан назоратни амалга ошириш учун 4600-«улуш ва бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи » счёти қўлланилади. Ушбу счётнинг дебет томонида маблағлар турлари бўйича таъсисчилар қарзи ва обуначиларнинг акцияга обуна бўлган суммалари кўрсатилади ва шу суммага тегишли 8310, 8320, 8330 —« акциялар, улушлар ва омонатлар» счётлари кредитланади. Бу қарзлар тўланганда эса тўлов турларига қараб, 0100, 0710, 0800, 1000, 0400, 2800, 2900, 5100, ва хоказо маблағлар счётлари дебетланиб Ушбу сумма 4600 счётининг кредит томонида кайд қилинади.

Субект фаолиятида ходимларнинг бошқа муомалалар бўйича қарзлари ҳам рўёбга чиқиши мумкин, яъни кредитга сотилган товарлар бўйича, берилган қарзлар, моддий зарарларни қоплаш ва шунга ўхшаш қарзлари пайдо бўлади.

Ходимларнинг ушбу қарзи турларига қараб 4710, 4720, 4730 ва 4790 счётларда қайд қилинади ва назоратиамалга оширилади.

Ушбу счётларнинг дебет томонида ходимларнинг пайдо бўлган қарзлари акс эттирилса, қарз турларига қараб сотилган товарлар учун 5010, 5100, 5200, банк кредитлари- 6810, 7810 яроксиз махсулот учун— 2610, асосий восита ва номоддий активларнинг камомади учун— 9210, 9220, пул маблағларининг камомади бўйича— 5010, 5020 счётлари кредитида қайд қилинади. Ушбу қарз суммалари тўланганда унинг турларига қараб ходимлар нақд пул билан тўласалар дебет 5000, меҳнат ҳақидан ушланса, дебет 6710, даъвои суд инобатга олмаса, дебет 9430 ва 4700—счётларининг кредитида қайд қилинади.

Юқорида қайд қилинган олинadиган суммалардан ташқари бир қатор олинadиган счётлар мавжуд. Булар қаторига қуйидагилар киради:

- узоқ муддатли ижара ҳақининг жорий қисми
- қисқа муддатли ижара ҳаққи
- олинadиган фоизлар;
- олинadиган дивидендлар;
- олинadиган роялтилар;
- даъволар бўйича олинadиган счётлар;
- бошқа дебитор қарзлар.

Ушбу олинadиган счётлар (дебитор қарзлар)нинг турларига қараб улар тегишли 4800 — "Бошқа дебитор қарзлар» счётлари гуруҳида 4810—4890 счётларда қайд қилиб борилади.

Қарзларнинг рўёбга чиқиши, яъни ижара бўйича, олинadиган фоизлар, дивидендлар ва хоказолар 4810—4890 счётларнинг дебетида ва ижара тўлови 0920, 9350. роялти 9510 дивидендлар— 9520, фоизлар — 9530, камомадлар, даъволар бўйича— 1000, бўлинмаларнинг кўрсатган хизматлари - 9030-счётларнинг кредитларида акс эттирилади.

Ушбу дебитор қарзлар олинганда унинг турларига қараб 5000, 5100, 5200 счётлари ва даъво суммалари суд томонидан рад қилинса, 9430 счётининг дебетида қайд қилиниб олинadиган счётларнинг (4810—4890) кредитига Ушбу суммалар ёзилади.

Ҳозирги даврда купчилик субъектлар мижозларни жалб қилиш ва савдо ҳажмини ошириш мақсадида ўзларининг махсулоти, ишлар и ва хизматларини кредитга сотадилар. Натижада харид қийматини тўлолмайдиган мижозлар топилади ва шубҳали олинadиган счётлар рўёбга чиқади. Бундай қарзларга белгиланган муддатда тўланмаган ва тегишли кафолат билан таъминланмаган дебиторлик қарзлари киради.

Шубҳали қарзлар захирасини яратиш учун субъектнинг дебитор қарзлар ибўйича камида уч йиллаик фаолиятига кўриб чиқилади ва Ушбу қарз суммасининг ўртача йиллик миқдори Аниқланади, йил охирида дебиторлик қарзларини инвентаризациядан ўтказиш натижасида хар бир шубҳали қарз

бўйича захира алоҳида яратилади. Ушбу захира яратилаётганда шу сумма 9430 – «шубхали қарзлар бўйича сарфлар» счётининг дебитида ва 9910 – «шубхали қарзлар бўйича захиралар» счётининг кредитида қайд қилинади. Субъект томонидан шубхали деб тан олинган қарзлар ҳисобдан чиқарилганда Ушбу сумма 4910 – «шубхали қарзлар бўйича захиралар»

Счётининг дебитида ва тегишли дебитор қарзлар счётларининг кредитида қайд қилинади. Сарфланмаган қарз захираси йил охирида субъектнинг даромадига қўшилади ва 4910 счётининг дебити, 9330 – «бошқа молиявий даромадлар» счётининг кредитида қайд қилинади.

Қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятларнинг ҳисобини юритиш.

6000-Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёт (тўлов) ни ҳисобга блувчи счётлар;

6100 — »Бўлинмаларга тўланадиган счёт (тўлов) ни ҳисобга олувчи счётлар»;

6200- »Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисмини ҳисобга олувчи счётлар»;

6300 —»Олинган жорий бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар»;

6400-»Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»;

6500 — »Суғурталар бўйича ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бўлган тўловларни ҳисобга олувчи счётлар»;

6600 — »Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»;

6700 —»Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар»;

6800 — »Банкнинг қисқа муддатли ркредитлари ва бошқа қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»;

6900 —»Хар хил кредиторларга ва бошқа ҳисобланган мажбуриятлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар».

Тузилган шартномага мувофиқ мол етказиб берувчилардан товар-моддий захиралари қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб, субъект ва мол етказиб берувчилар ўртасида қуйидаги йуналишлар бўйича ҳисоблашиш муомалалари пайдо бўлади:

- субъектга тақдим этилган активлар, хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича;

- қабул қилиш пайтида аниқланган товар-моддий қийматликлари, ишлар ва хизматлар миқдорининг ортиқчалиги;

- етказиб бериш юзасидан хизматлар, шу жумладан, тариф (фрахт) суммасининг кам ҳисобланган суммаси юзасидан ва шунга ўхшаш муамалалар бўйича.

Ҳисоблашиш муомалари умумлаштирилган ҳолда 6010 — »Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ва 6020 — »Берил*ган васиқалар» номи пассив, синтетик счётларда олиб борилади. Бу счётларда қуйидаги ахборотлар йиғилиб борилади:

- ҳисоблашиш ҳужжатлари акцептланган (тўлашга қабул қилинган) олинган товар—моддий захираларининг қийматликлари;

-хисоблашишга қабул қилинган бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар — электр қуввати, газ, иссиқлик, сув ва шунга ўхшашлар;

- хисоблашиш ҳужжатлари тўлашга қабул қилинган товар —моддий қийматликларни келтириш, қайта ишлаш сарфлари;

-юкларни ташиш бўйича кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

-ҳужжат (фрахт)га нисбатан кам олинган товар - моддий қийматликларнинг қиймати;

-алоқа хизматлари қиймати ва шунга ўхшашлар;

- бош пудратчи ташкилот ҳам ўзининг субпудратчи ташкилотлари ўртасида амалга ошириладиган хисоблашишлар.

Счётларни тўлаш уларни таадим қилган вақтдан бошлаб кучга киради ва навбат билан тўлаб борилади.

Хақиқий киримга олинган товар — моддий қийматлигининг суммаси тегишли товар —моддий захиралари счётларининг дебетидан акс эттирилиб, 6010 —»Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ва 6020 —»Берилган васиқалар» счётларининг кредитида қайд қилинади.

Агарда мол етказиб берувчиларга олдиндан бўнак берилган бўлса, тўлиқ хисоблашиш жараёнида умумий қарз суммасидан бўнак суммаси чегирилиб (дебет 6010 ёки 6020 ва кредит 4310— »ТМЗ учун берилган бўнаклар») қолинади ва фарқ сумма тўланади. дебет 6010 ва кредит 5110 ёки 5210 ёки 5500, ёки 6810, ёки 6820 ва хоказо.

6020 —»Берилган васиқалар» счётида субъектнинг ТМБ ва бошқа активларни, бажарилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни сотиб олиш учун берган васиқалари акс эттирилади. Тўланадиган васиқалар фоизли ёки фоизсиз бўлиши мумкин. Васиқалар бўйича мажбуррштлар қопланса, тегишли пул маблағларини хисобга олувчи счётларнинг кредити ва 6020 — »Берилган васиқалар», 6820 — »Хисобланган фоизлар» счётларининг дебетида ушбу муомаларга тегашли суммалар акс эттирилади.

Мустақил балансга ажратилган бўлимлар (филиал,ваколатхоналар ва хоказо) билан бош субъект ўртасида муомалалар (мулклар, маблағларнинг ҳаракати ва хоказолар билан боғлиқ) доимо содир бўлади.

Ушбу муомалаларни (субъектнинг қарзини) қайд қилиш учун алоҳида 6110 — »Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счёт (тўлов)лар» счёти, субъектнинг алоҳида балансга ажратилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва бошқа махсус бўлинмаларга бўлган қарзларининг барча турлари ҳақидаги (ички баланс хисоблашишлари) маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан:

-ажратилган мулклар бўйича;

-ўзаро берилган моддий бойликлар бўйича;

-махсулот сотиш бўйича ва шунга ўхшашлар. ^ Счётнинг кредитида бўлинмалар бклан турли муомалалар бўйича мажбуриятлар суммаси, моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқа харажатларни з^исобга олувчи счётлар корреспонденцияси орқали акс эттирилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти давомида келгуси даврга тегишли даромад бўйича олган бўнаги, келиши кутилаётган дебитор

қарзлари, чиқарилган облигациялар юзасидай чегирма ёки устамалар, солиқлар ва мажбурий тўловлар муддатининг узайтирилиши каби муомалалар содир бўлади.

Ушбу даврда тўлов муддати узайтирилган ва вақтинча қарзлар сифатида келгусида тўланадиган жорий мажбуриятлар қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:

6210 — «Муддати узайтирилган дисконт (чегирма)лар»;

6220 — «Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)»;

6230 — «Муддати узайтирилган даромадлар»;

6240 — «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар»;

6250 — «Вақт фарқлари бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи бўйича мажбуриятлар»;

6290 — «Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар».

6210 — «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» ва 6220 — «Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)» счётлари облигация чиқарилган даврдан бошлаб, йилнинг оралиғида харажат ёки даромадга тақсимланадиган, облигациялар юзасидан чегирма I ёки устама бўйича субъектнинг узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисмини акс эттиришга мўлжалланган. Ушбу счётларни облигацияларни қўллайди.

Облигацияларнинг чегарма билан сотилиши қуйидагача акс этгарилади: дебет 6210 — «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегармалар)» ва 5110 — «Ҳисоблашиш счётга» олинган суммага, кредит 6920 — «Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар» ёки 7610 — «Тўланадиган облигациялар» счётлари.

Облигациялар юзасидан жорий фоизларнинг тўланиши суммасига эса 9610 — «Фоизлар қўрилишидаги харажатлар» счёти дебетланиб, тўланадиган фоизлар ва қўланадиган чегирмаларни ўзида акс эттиради. Бунда 6210 — «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» ва 5110 — «Ҳисоблашиш счёти» счётлари кредитланади.

Облигацияларнинг мукофотлар билан сотилиши 6220 — «Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)» ва 6920 — «Банкдан ташқари тўлашга қабул қилинган облигациялар» ёки 7610 — «Тўланадиган облигациялар» счётларининг кредити ва 5110 — «Ҳисоблашиш счёти»нинг дебитида акс эттирилади.

Облигация қарзи давр мобайнидаги мукофотлар 9530 — «Фоизлар қўрилишидаги даромадлар» счётига ўтказилади.

6210 — «Муддати узайтирилган дисконтлар (чегармалар)», 6220 — «Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)» счётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ссб^ациянинг тури ва қоплаш (сўндириш) муддати бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

6230 — «Муддати узайтирилган даромадлар» счёти ҳисобот даврида бўнак сифатида олинган (ҳисобланган), аммо келгуси даврга тегишли бўлган даромадлар ҳақидаги маълумотларни, шунингдек, ўтган йилларга тегишли, ҳисобот даврида аниқланган камомадлар бўйича келиши кутилаётган

қарзларни ва айбдор шахслардан олинши керак бўлган сумма билан фарқларни акс эттиришга мўлжалланган 6230 —»Муддати узайтирилган даромадлар» счёти бўйича аналитик ҳисоблар ҳар бир солиқ ва мажбурий тўловларнинг тури ва қоплаш муддатига змувофик алоҳида юритилади.

6290 — »Муддати узайтирилган бошқа мажбуриятлар» счётида субъектнинг юқоридаги счётларда кўрсатиб ўтилмаган,- муддати узайтирилган бошқа мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган ва аналитик ҳисоби ушбу мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

Олинган бундай бўнақлар пул маблашни олган субъект учун иш ёки хизмат бажарилгунга қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади. Олинган бўнақларга қуйидагилар мисол бўлади: газ, сув, ёритиш ва бошқа маиший хизматлар учун, шунингдек тайёр маҳсулотларни, ТМБ ва бошқаларни етказиб бериш учун олдиндан олинган тўловлар.

Харидорларга ва буюртмачиларга тайёр маҳсулотларни, ТМБни етказиб бериш ёки қисман бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек, акцияга обуна бўлган юридик шахслардан олинган бўйяқлар бўйича жорий мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги счётларда умумлаштирилади:

6310 —»Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар»;

6320 —»Акция обуначиларидан олинган бўнақлар»;

6390 —»Бошқа олинган бўнақлар».

Олинган бўнақ суммалари, шунингдек, қисман тайёр маҳсулот ва иш (хизмат) учун олинган тўловлар 6310 — »Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар », 6310 — »Акция обуначиларидан олинган бўнақлар», 6390 —»Бошқа олинган бўнақлар» счётларининг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебегида акс эттирилади. Буюртмачиларга ишни тугатиб тоғатириш ва хизмат кўрсатиш ва харидорларга маҳсулотни жўнатишдан олдин олинган бўнақлар харидор ва буюртаачиларнинг мажбуриятларини камайтиради

Суғурта сарфларини ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларни, яъни мулк ва ходимларни суғурта қилиш, давлат ижтимоий суғуртаси, нафақа таъминота, ходимларнинг тиббий суғуртаси учун ажратмалар, ёнғин, авария, табиий офат, экологик фожиялар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларни маблағлар билан таъминлатиш учун суғурта жамғармаларини ташкил қилиш харажатлари, шу билан бирга субъектнинг мулкани, ходимларнинг ҳаётини ҳамда учинчй шахсларнинг мулкый манфаатларига келтирилган зарарлар учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш сарфлари 6510 — »Суғурта бўйича тўловлар», 6520 — »Давлатнинг мақсадли жамғармаларига тўловлар» счётларида амалга оширилади.

Суғурта ва жамғармаларга тўлов бўйича қарз суммалари 6510, 6520, счётларнинг кредитлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларини, давр харажатларини ёки тўловларнинг бошқа манбаларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томони билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Тўланган суғурталар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар тегишли 5010, 5020, 5110, 5210, 5510, 5520, 5590 6810 ва 6820 счётларнинг кредитида амалга оширилади ва 6510 ва 6520 счётларнинг дебет томонида қайд қилиниб, ушбу қарзлар ҳисобдан чиқарилади.

Субъектлар ўзларида таъсисчиларнинг улушлари, акция қийматлари, улар бўйича ҳисобланган дивидендлар бўйича қарзларни, чиқиб кетаётган таъсисчилар улушларини айрим ҳисобга олиш заруриятини туғдиради.

Дивидендлар бўйича субъектларнинг таъсисчилар олдидага жорий мажбуриятлари ва чиқаётган таъсисчиларнинг улушлари қуйидага счётларда зрисобга олинади:

6610 — «Тўланадиган дивидендлар»;

6620 — «Чиқаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар»;

6610 — «Тўланадиган дивидендлар» счёти 8710 — «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси» счёти билан корреспонденциясида дивидендлар бўйича ёзилган суммаларга кредитланади.

6620 — «Чиқаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар» счётида чиқиб кетаётган таъсисчиларнинг улуши бўйича мажбуриятларни акс этгаради, кредити бўйича ёзилган қарз суммаси 8620 — «Сотиб олинган ўзининг имтиёзли акциялари» счёти билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Хозирги даврда ҳар —хил тижорат банклари ташкил қилиниб, улар кредит бериш, ҳисоблашиш бўйича маблағларни ўтказиш ва касса муомалаларини амалга оширадilar. қайси банкнинг хизматидан фойдаланиш, яъни ҳисоблашиш, валюта счётларини очиш, кредит олиш субъектнинг ихтиёрида.

Ушбу банклар субъектларга қайтариб бериш муддати белигланган ва фоизлар асосида кредит берадилар.

Ушбу кредитни олиш, қайтариш муддати ва тўланадиган фоизларнинг даражаси тузилган шартномада аниқ кўрсатилади ва жавобгарлик мустаҳкамланади. Қисқа муддатли (12 ой муддатигача) кредит ва қарз (заём) ларни қайд қилиш ва уларнинг ҳаракати ҳақидаги маълумотни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

1096810 — «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари»;

6820 — «қисқа муддатли қарз (заём) лар»;

6830 — «Тўланадиган облигациялар»;

6840 — «Тўланадиган васикалар».

6810 — «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счётида субъектнинг банклардан олган турли қисқа муддатли кредитлари ҳолатлари ҳақидаги ахборот ҳисобга олинади.

Қисқа муддатли кредитнинг суммалари 6810 — «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счётнинг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга оладиган 1 тегишли счётларнинг дебетларида акс эттирилади.

Тўланган банк кредитларининг суммасига 6810 — «Банкнинг қисқа муддатли кредитлари» счёти дебетланади, пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар кредитланади, белгиланган муддатда тўланмаган банк кредитлари алоҳида ҳисобга олинади.

6820 — «қисқа муддатли қарзлар» счётида сумда ва чет эл валютасида олинган қарзлар ва бошқа жалб этилган маблағлар бўйича республика ҳудудида ва чет элда жойлашган қарз берувчи билан бўлаётган (12 ой муддатга олинган қарзлар бўйича) ҳисоблашишларнинг ҳолати ҳақидаги ахборотлар ҳисобга олинади. Қарз берувчилардан (банкдан ташқари) тўлган маблағлар ушбу маблағларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 6820 — «қисқа муддатли қарзлар» счётининг кредити бўйича қайд қилиб борилади.

Олинган қарзларни қайтариш ҳақидаги ёзувлар 6820 — «қисқа муддатли қарзлар» счётининг дебетида ва пул маблағлари ва васиқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ҳисобга олиб борилади.

6830 — «Тўланадиган облигациялар» счётида қарз (заём) берувчиларга бериладиган облигациялар ҳисобига субъектга жалб этилган маблағлар ҳисобга олинади (12 ойдан ошмаган муддатда тўланиши керак бўлган).

6840 — «Тўланадиган васиқалар» счётида қарз берувчилардан олинган васиқа ҳисобга олинади (12 ойлик муддатда тўланиши лозим).

Васиқаларни ҳисобга олиш муомалалари васиқа ушловчининг

6840 — «Тўланадиган васиқалар» счёти кредитида ва тегашли маблағларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади.

Субъектлар ўз молиявий — ҳўжалик фаолиятини амалга ошираётганда уларда юқорида қайд қилинган жорий мажбурият (қарз) лардан ташқари кўйидаги мажбуриятлар ҳам вужудга келади: ижаралар бўйича қарзлар, ҳисобланган фоизлар, роялти ва гонорарлар, кафолатлар бўйича қарзлар, узоқ муддатли қарзнинг бир қисмини жорий мажбуриятга ўтказиш, даъволар бўйича ва ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ва бошқа жорий қарз мажбуриятлари. Улар:

6910 — «Тўланадиган тезкор ижара ҳақи»;

6920 — «Ҳисобланган фоизлар»;

6930 — «Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар»;

6940 — «Кафолатлар бўйича қарзлар»;

6950 — «Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми»;

6960 — «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар (тўловлар)»;

6970 — «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар»;

6990 — «Бошқа мажбуриятлар» счётларида акс эттирилади.

6910 — «Тўланадиган тезкор ижара ҳақи» счёти ижарага олувчиларнинг жорий ижара юзасидан мажбуриятларини акс эттириш учун ишлатилади. Бу счётнинг кредитида харажат счётлари билан боғланган ҳолда, ҳисобланган тўлов суммалари ва унинг дебет томонида эса пул маблағлари билан корреспонденцияланган ҳолда ижарага берувчиларга тўланган суммалар акс эттирилади.

6920 — «Ҳисобланган фоизлар» счётида кредиторлар томонидан берилган қарзлар ҳамда ижара бўйича ҳисобланган фоизлар акс эттирилади. Унинг кредитида берилиши лозим бўлган фоизлар, дебетида эса, фоизлар бўйича тўланган қарз суммалари қайд қилинади.

6930 —»Роялти ва гонорарлар бўйича қарзлар» счётининг кредитида роялти ва гонорарлар бўйича ҳисобланган қарзлар, тегишли харажатлар счётларнинг корреспонденцияси билан акс эттирилади.

6940 —»Кафолатлар бўйича қарз» счётида субъект томонидан сотилган маҳсулотларнинг кафолатли хизмати бўйича мажбуриятлари акс эттирилади.

6950 —»Тўланадиган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми» счётида мазкур ҳисобот даврида тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми акс эттирилади.

6960 — »Даъволар бўйича тўланадиган счётлар» счёти истеъмолчилар, транспорт ва бошқа ташкилотлардан тушган даъволар бўйича субъектнинг қарзи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжаллангай ҳамда унда қўйиладиган жарималар (ўсимлар) бўйича маъдумотлар йиғилади.

6970 —»Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» счёти субъектнинг ходимларига бўлган айрим қарзлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу қарзлар ишчиларга маъмурий—хўжалик ва муомалавий харажатлар учун, хизмат сафарлари учун берилган бўнак суммалари билан ҳақиқий сарфланган харажатлар суммалари ўртасидаги фарқ натижасида келиб чиқади.

6990 —»Бошқа мажбуриятлар» счёти субъектнинг жисмоний ва юридик шахслар олдидаги тижорат бўлмаган турли муомалалари бўйича (ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва хоказо); чек билан тўланадиган хизматлари учун транспорт ташкилотлари ва бошқалар билан юзага келадиган жорий мажбуриятларини акс эттиради.

2. Узоқ муддатли мажбуриятлар — дебиторнинг (қарз олувчининг) ҳақиқий баланс санасидан ёки унинг фаолияти қисмидан бир йилдан ошиқ муддатда тўланиши мумкин бўлган қарзлардир. Улар:

7000 —»Мол етказиб берувчи[^]лар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли қарзлар»ни ҳисобга олувчи счётлар;

7100 —»Бўлимларга бўлган узоқ муддатли мажбуриятлар» ни ҳисобга олувчи счётлар;

7200 —»Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар» ни ҳисобга олувчи счётлар;

7300 — »Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» ни ҳисобга олувчи счётлар;

7800 — »Узоқ муддатли қарзлар»ни ҳисобга олувчи счётлар;

7900 — »Бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар» ни ҳисобга олувчи. счётларда ҳисобга олиб борлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар узларининг фаолияти жараёнида асосан узоқ муддатли активларни куриш, сотиб олиш билан боғлиқ бўлган муомалаларни мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан амалга оширадilar.

Муомалаларни қайд қилиш ва уларнинг устидан назорат ўрнатиш куйидаги счётларда амалга оширилади:

7010 —»Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар:

7020 —»Берилган васиқалар».

7010 —»Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётида субъект 1'омонидан олинган ТМЗ, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун субъектнинг мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги узоқ муддатли қарзи акс эттирилади.

7020 —»Берилган васиқалар» счётида ТМЗ ва бошқа активларни сотиб олиш, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар учун хўжалик юритувчи субъектнинг берган васиқалари ҳаракати акс эттирилади.

Хўжалик юритиш фаолиятида бош субъект билан ушбу мустақил балансга ажратилган (МБА) бўлимлар ўртасида ҳисоблашишлар, яъни қарз мажбуриятлари юзага келади. Чунки улар бош субъект билан жорий активлар, пул маблағлари ва узоқ муматли активларни бир — биридан олиш ва бериш билан боғлиқ муомалаларни амалга оширадилар.

Айрим балансга ажратилган бўлимлар, филиаллар ва ваколатхоналар олдидаги бош субъектнинг узоқ муддатли қарзлари (баланс ичидаги ҳисоблашишлар) ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотлар 7110 —»Айрим балансга ажратилган бўлинмаларнинг олдидаги узоқ муддатли қарзлар» счётида умумлаштирилиб борилади. Ушбу счётнинг кредит томонида бўлинмалар билан ҳар хил муомалаларни содир бўлиши натижасида вужудга келган мажбуриятларнинг суммалари тегишли моддий қийматликлар, харажатлар, пул маблағлари ва мулк счётлари (қарзларнинг турлари бўйича) билан корреспонденцияланган ҳолда ҳисобга олиб борилади.

Субъектларнинг молиявий—хўжалик фаолиятида айрим ҳолларда томонлар манфаати кўзланган ҳолда узоқ муддатли мажбуриятларнинг тўланиш муддатлари яна ҳам чўзилади (реструктуризация қилинади).

Узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7210 —»Вақтинча фарқлар бўйича узайтирилган даромад (фойда) солиғи юзасидан мажбуриятлар»;

7220 — »Солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан муддати узайтирилган мажбуриятлар»;

7230 —»Облигация юзасидан муддати узайтирилган дисконтлар (чегиртмалар)»;

7240 —»Облигациялар юзасидан муддати узайтирилган мукофотлар (кушимча)»;

7290 —»Бошқа муддатли узайтирилган мажбуриятлар».

7210 —»Вақтинча фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) СОАЙҒИ юзасидан мажбуриятлар» счётида вақт бўйича мавжуд бўлган фарқларни айириш натижасида юзага келадиган, даромадга (фойда) кўйиладиган солиқнинг муддатли узайтирилган суммаси акс эттирилади.

7220 —»Солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан муддатли узайтирилган мажбуриятлар» счётида субъектнинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет олдидаги узоқ муддатли қарзи акс эттирилади. Конунга мувофиқ уларнинг тўловини бир неча йилларга узайтиришга руҳсат берилади.

7230 —»Облигациялар юзасидан муддати узайтирилган дисконтлар (чегирмалар)» ва 7240 — »Облигациялар юзасидан муддати узайтирилган

мукофотлар (қўшимчалар)» счётиларида субъектда облигациялар бўйича хисобланадиган қўшимчалар ва чегирмалар юзасидан вужудга келган суммаларнинг узок муддатли қисми акс эттирилади.

7290 —»Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счёти молия — хўжалик фаолият билан боғлиқ бўлган субъектнинг олдинги счётларда кўрсатилганлардан ташқари бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлари ҳақидаги ахборотни акс эттириш учун мўлжалланган.

Кўпчилик ҳолларда айрим буюртмаларни бажариш учун, айниқса йирик ҳажмдаги маҳсулот (самолёт, кема ва ҳоказо) ишлаб чиқарилса ёки объектлар' — иморат, иншоотлар қурилса, пудратчи субъектлар ёки ишлаб чиқарувчилар харидор ва буюртмачилардан ушбу маҳсулотни тайёрлаб, етказиб бериш ёки иморат ва иншоотларни қуриб топшириш учун одиндан бўнак олишади.

Олинган бўнаклар юзасидан узок муддатли қарзлар ҳақидаги ахборотки умумлаштириш 7310 —»Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида амалга оширилади. Ушбу счётда маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнак суммалари акс этгарилади.

Олинган бўнак суммалар» ҳамда маҳсулот ва буюртмаларнинг қисман тайёрлиги бўйича олинган тўловлар

7310 —»Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётининг кредити бўйича ва пул маблағларини хисобга олувчи счётларнинг дебети бўйича акс эттирилади.

Ўрта муддатли ва узок муддатли (12 ойдан ошиқ муддатга оланган) банк кредитлари суммалари 7810 — »Узок муддатли банк кредитлари» счётининг кредитида ва пул маблағларини хисобга олувчи тегишли счётларнинг 5110 — »Хисоблашиш счёти», 5200 —»Валюта счётлари», 5500 —»Банкда маҳсус счётлари»нинг дебети томонида қайд қилинади.

Республикадаги ва хориждаги қарз берувчилар билан (банклардан ташқари) хисоблашишлар, улардан 12 ойдан ортиқ муддатга олинган қарзлар, сўмда ёки хорижий валютада ва жалб қилинган бошқа маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар 7820 —»Узок муддатли қарзлар», 7830 —»Тўланадиган облигациялар», 7840 — »Тўланадиган васиқалар» счётларида қайд қилиб борилади.

Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) келиб тушган маблағлар пул маблағлари ёки хисоблашишларни хисобга олувчи счётларнинг дебетида ва узок муддатли қарзларнинг ҳисоби тегишли счётларнинг (7820) кредитида акс эттирилади.

Тўланган қарз суммаларига узок муддатли қарзларни хисобга олувчи счётлар қисқа муддатли қарзлар счёти орқали (дебет 7820 ва кредит 6820) пул маблағларини хисобга олувчи счётлар билан корреспонденцияланиб дебетланади (дебет 6820 ва кредит 5110).

7830—»Тўланадиган облигациялар» счётида қарз берувчиларга облигациялар бериш ҳисобига, субъектга жалб қилинган, 12 ойдан ортиқ муддатда тўланадиган маблағлар ҳисобга олинади. Хар йиллик ажратмалар

суммаси чиқарилган облигацияларнинг мулдатидан ва кўрсатилган фарқларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

7840—»Тўланадиган васиқалар» счётида қарз берувчиларга берилган, 12 ойдан ортиқ муддатда қайтариладиган васиқалар ҳисобга олинади.

Васиқалар бўйича муомалалар васиқа берувчи субъектда 7840—»Тўланадиган васиқалар» счётининг кредитида (васиқанинг номинал қийматида) ва 5110 — »Ҳисоблашиш счёти» ёки 5210 —»Валюта счёти» да (ҳақиқий олинган пул маблағлари суммасида) ва бошқа активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида акс эттирилади.

Хар хил турдаги нотижорат муомалалари натижасида субъектнинг турли жисмоний ва юридик шахслар олдидagi узоқ муддатли мажбуриятлари, яъни бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлари пайдо бўлади. Ушбу қарзлар қуйидаги муомалалар натижасида вужудга келади:

- узоқ муддатга олинган ижара бўйича тўловлар.
- ўқув юртлари, илмий муассасалар ва шунга ўхшашлар.
- Транспорт ташкилотларининг кўрсатган хизматларини чек билан тўлаш.
- Суд идоралари ижро варақалари ва қарорларига асосан хар хил ташкилотлар фойдасига субъект ходимларининг меҳнат ҳақидан ушланган суммалар ва бошқалар.

Ушбу қарзлар юзасидан мажбуриятларни ҳисобга олиш 7910-«узоқ муддатли ижара тўлови» ва 7920 –«бошқа шахсларга бўлган узоқ муддатли қарзлар» счётида амалга оширилади

МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ.

1.Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари.

2.Ишлаб чиқаришнинг турли шароитларида ишлаб чиқариш ҳисобни юритиш тартиби.

3.Меҳнатга ҳақ тўлаш шакиллари, тизимлари, фонди ва унинг таркиби.

4.Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларнинг синтетик ва аналитик ҳисоб.

5.Ишчиларнинг меҳнат таътили вақтига резерв килинадиган сумма ва ижтимоий суғурта бўйича касаба уюшмаси ташкилотлари билан ҳисоб-китобни ҳисобга олиш.

6.Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг сарфланиши устидан назорат.

1.Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги шароитида ишлаб чиқариш корхоналарининг бош вазифаси турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг оғишмай устириб бориш, кишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш йул билан меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий

даромадни устиришдан иборатдир. Меҳнат ва иш хақи ҳисоб-китоб ишларининг аниу ва оператив маълумотлар талаб килувчи энг муҳим ҳамда уйин соҳаларидан биридир. Унда ходимлар сонининг узгариши, иш вақтининг сарфланиши, иш хақи фонди, тўлов турлари ва ходимлар тоифаси бўйича ҳамда иш хақи фондидан ташқари амалга ошириладиган бошқа тўловлар, корхонанинг ҳар бир ходими билан ҳисоб-китоблар акс эттирилади. Бу маълумотлар асосида меҳнат унумдорлиги ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, ходимлар сони, иш хақи фондининг сарфланиши ва бошқалар бўйича режа топшириқларининг бажарилиши устидан назорат амалга оширилади.

Меҳнат ва иш хақи ҳисобни йулга қуйиш меҳнатга тўғри муносабат руҳида тарбиялашнинг муҳим омилларидан биридир. Меҳнат ва иш хақи ҳисобнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Иш вақтининг тўғри сарфланиши устидан назорат олиб бориш.
2. Сарфланган меҳнат ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни тегишли ҳужжатларда уз вақтида ва тўғри акс эттириш.
3. Ҳисобланган иш хақини калькуляция объектлари ўртасида тўғри тақсимлаш.
4. Иш хақи ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг илгор усуллари амалда куллаш.
5. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тўғри сарфланиши устидан назорат олиб бориш.

Халқ хужалигининг бошқа тармоқларидаги каби саноатда ҳам ходимлар сони корхонанинг ишлаб чиқариш дастури асосида аниуланади. Ходимлар корхона микёсида улардан каерда фойдаланишига қараб икки гуруҳга бўлинади: саноат ишлаб чиқариш ходимлари ҳамда саноатга таълуқли бўлмаган ишлаб чиқариш ва Хўжаликлардаги ходимлар.

Биринчи гуруҳ ишчилар, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги бошқа ходимлар, омбор ва завод бошқармасидаги мавжуд ускуналарни катта таъмирлашда банд булган ходимлар киради. Иккинчи гуруҳга уй-жой камунал хужалиги, маданий-маиший ва тиббиёт муассасаларининг ходимлари, болалар муассасалари, укув юртлари, бино ва иншоатларни катта таъмирлашда банд булган ходимлар киради.

Саноат ишлаб чиқариш ходимлари бажарадиган ишларига қараб икки тоифага бўлинади:

- 1) ишчилар;
- 2) хизматчилар.

Хизматчилар уз навбатида, қуйидагиларга бўлинади: раҳбарлар, мутахасислар ва бошқа ходимлар.

Ходимларни бундай гуруҳлаш иш хақини калькуляция моддалари ўртасида тўғри тақсимлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Корхона ходимларининг таркиби тўғрисидаги ҳисоб кадрлар бўлими тамонидан олиб борилиб, уларни ишга қабул қилиш, бушатиш, меҳнат таътили бериш ва бошқалар тегишли ҳужжатларда расмийлаштирилади.

Тўла Хўжалик ҳисоб ва узини-узи маблағ билан таъминлаш шароитида иш хақи ҳисоблаш меҳнатга ҳақ тўлаш фонди чегарасида амалга оширилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди Хўжалик даромадининг бир қисми бўлиб, у корхона ихтиёрида қоладиган даромаддан(фойдадан) ташкил топади. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг умумий миудори корхона (бирлашма)ни иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасида кузда тутилади.

Тасдиқланган умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фонди чегарасида корхона айирим тоифадаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондини белгилайди ва ҳисобга олади. Режадаги ходимлар сонини аниқлайди, штатни тасдиқлайди. Бунда албатта, бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартириш ва бошқариш билан боғлиқ харажатларни камайтириш кузда тутилиши лозим.

2.Ишлаб чиқаришнинг турли шароитларида ишлаб чиқариш ҳисобни юритиш тартиби.

Ходимларнинг ишга келиши ва сарфланган иш вақтини ҳисобга олиш меҳнат интизомини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Иш кунининг неча соат давом этиши корхона махмурияти тамонидан қасаба уюшмаси билан келишилган ҳолда белгиланади. Сарфланган вақт ҳисоб табел асосида юритилади. Хар бир ходимга табел рақами бириктирилади ва у меҳнат, иш ҳақи бўйича расмийлаштириладиган барча ҳужжатларда кўрсатиб борилади.

Ҳисобот даври бошланишидан аввал утган ойдаги табелдан ходимнинг исм-шарифи кўчириб ёзилади ва ишга чиқиш, иш вақтини сарфлаши шартли белгилар ёрдамида ҳисобга олиб борилади. Масалан сафарга китган «С», меҳнат таътилидаги ходимлар «О» ҳарфи ва ҳақозолар билан белгиланади.

Ишга чиқиш ва иш вақтдан фойдаланиш ҳисоб таабелда икки хил усулда амалга оширилади. Биринчи усулда барча ишга чиққан, кечиккан, бирор сабабга қура ишга чиқмаганлар тулиқ рўйхат қилиб борилади. Иккинчи усулда эса табелда фокат кечикканлар, ишга чиқмаганлар, яъни маълум мердан четга чиққан ходимлар рўйхат қилиб борилади. Хар бир ходимнинг ишлаган вақти табел ҳисобот ойининг биринчи ярмига ва ой охирига, яъни икки марта ҳисоблаб чиқилади. Табел бўлим ёки цех бошлиғи тамонидан имзоланади, сўнгра табелчи тамонидан бухгалтерияга иш ҳақи ҳисоблаш учун топширилади.

Ишбай меҳнат ҳақи шаклиди ҳақ ҳисоблашда таабел ҳисоб маълумотлари етарли эмас. Бунинг учун улрага ишлаб чиқарган маҳсулотнинг сони, сифати ёки бажарган иш ҳажми ва бир маҳсулотга тўланиши лозим бўлган ишбай нархи маълум бўлиши керак. Ишбай ишловчи тамонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган иш ҳажми турли корхоналарда бир хил бўлмаган ҳужжатларда расмийлаштирилади. У ёки бу ҳужжатнинг қулланилиши корхонанинг қайси ишлаб чиқариш турига тегишлилигига боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг индивидуал ва майда серияли ҳилига мансуб корхоналарда ишлаб чиқариш Т-40 сонли шаклдаги топширик (наряд)дарда расмийлаштирилади.

Қупчилик корхоналарда наряд айрим ишчи ёки бригада тамонидан бажариладиган хар бир ишлаб чиқариш топширигига алоҳида ёзилади. Бундай тартиб бошланғич ҳужжатлар сонининг ошишига ва уларин қайта

ишлаш жараёни билан боғлиқ булган ҳисоб ишларининг мураккаблашишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бир ёки икки ҳафталик, ойлик муддатда ёзиладиган куп каторли топшириқларни куллаш талаб қилинади. Топшириқлар цехнинг режа-диспетчер бюроси тамонидан цехнинг ишлаб чиқариш режасига мувофиқ технологик карта асосида тулдирилади. Ишчи ва бригада тамонидан топшириқ бажарилгандан кейин ишлаб чиқарилган маҳсулот сони ёки бажарилган иш ҳажми бажариш учун сарфланиши лозим булган материал меъёри ва ҳақиқатдан берилган материалнинг сони топшириқда кўрсатилади. Бу, уз навбатида, иш ҳақини топшириқ асосида ҳисоблашгина эмас, балки материаллар сарфининг белгиланган меъёрига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш имконини ҳам беради. Бу тизимнинг нуқсонларидан бири шундаки, унда айирим бажарилган ишлаб чиқариш топшириқлари акс эттирилади, аммо у бутун бир технологик жараённинг бориши устидан назорат қилишга мослаштирилмаган.

Маҳсулот, деталларни қайта ишлаш жараён, одатда бир сменадан ошмайдиган ишлаб чиқаришнинг серияли хили шароитида ишлаб чиқариш ҳисоб Т-22 рақамли шаклдаги ёки бошқа шакллардаги рапортларда юритилади. Рапорт иш сменаси бошланмасдан аввал ёзилади ва зарур деталларни цехга жунатиш учун омборчига топширилади. Омборчи деталларни жунатиб, бу ҳақида рапортга тегишли белги қуйгандан кейин, у техника назорат бўлимига берилади. Смена охирида қайта ишланган деталлар сони рапортда қайд қилинади.

Ишлаб чиқаришнинг серияли ҳлидаги баъзи корхоналарда ишлаб чиқариш ҳисоб Т-23 рақамли шаклдаги маршрут варакалари тизимда юритилади. Одатда маршрут варакалари цехнинг режа-диспетчер ходимлари томонидан ёзилиб, унда қайта ишланиши лозим булган айрим деталлар партияси ишлаб чиқариш топшириги сифатида қайд қилинади, бажарилган иш натижалари қайта ишлаш жараёнининг биринчисидан тортиб то охириги операциясигача назорат қилинади. Шундай қилиб, маршрут варакалари ёрдамида технологик жараённинг бориши назорат қилинади. Бу эса уларнинг афзалликларидан биридир.

Бажарилган иш техника назорат бўлим ходимлари томонидан қабул қилиниб, маршрут варакаларида кўрсатилади. Назоратчи бу пайтда қайта ишлаш учун берилган деталларнинг сонини қабул қилинганлари билан солиштириди ва аниуланган ҳар бир камоматни маршрут варакаларида қайт этади, бу эса ишлаб чиқаришда деталлар ҳаракати устадан назорат олиб бориш имконини беради.

Ишлаб чиқаришнинг оммавий хилига мансуб булган корхоналарнинг хусусиятларидан бири шундаки, уларда ишчилар асосан бир хил операцияни бажарадилар. Бундай шароитда ишлаб чиқариш топширигини ҳар бир ишчига етказиш зарурияти йуқолади. Ишлаб чиқариш ҳисоб ҳафталик, ун кунлик, ярим ойлик, ойлик ҳужжатларда юритилади.

Баъзи вақтларда у ёки бу сабабларга кура меъёри ҳолатдан четга чиқиш ҳоллари ҳам юз беради. Масалан, тегишли ускуналарнинг бўлмаслиги, уларни ускунанинг бошқа тури билан алмаштириш, материалларнинг

заруридан оттикча каттиклиги ва бошқалар. Бундай ҳолатлар қўшимча иш вақтининг сарифланишини таказо килади ва қўшимча ҳақ варакалари билан расмилаштирилади. У ёки бу сабабга кура унимсиз сарифланган иш вақти, маҳсулотлар акт билан расмилаштирилади.

Меҳнат ва иш ҳақини ҳисоблаш бўйича расмилаштириладиган бошлангич ҳужжатлар белгиланган муддатда бухгалтериянинг иш ҳақини ҳисоблаш бўлимига топширилади. Бошлангич ҳужжатлар бухгалтерия ходимлари томонидан текширилади, сўнгра қайта ишлаш учун машина-ҳисоблаш бюросига ёки машина-ҳисоблаш станцияларига юборилади. Бошлангич ҳужжатларни қайта ишлаш дейилганда ишчининг бажарган ишини ишбай нархига купайтириш йул билан иш ҳақини ҳисоблаш тушунилади. Қайта ишланган ҳужжатлар, ишчиларнинг табел ракамлари бухгалтерияда цехлар бўйича гурухланади ва ишчининг иш ҳақи унинг шахсий счёти ёки варакаларига ёзиб борилади. Иш ҳақи ва бошқа ҳисоб ишлари ҳисоблаш машиналари ёрдамида бажариладиган корхоналарди қайта ишланган бошлангич ҳужжатлардаги маълумотлар асосида уйдагилар тузилади:

- 1) ҳисоблаш ведомости;
- 2) ҳисобланган иш ҳақининг ишлаб чиқариш счётлари ва харажат модалари ўртасида таксимлаш ведомости;
- 3) иш ҳақи сарифи бўйича меъёрдан четга чиқиш ведомости ва бошқалар.

3. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакиллари, тизимлари, фонди ва унинг таркиби.

Саноатда ишчи меҳнатига таъриф тизими асосида сарифланган меҳнат миудори ва сифатига мувофик ҳақ тўланади. Таъриф тизими-таъриф-малака маълумот номаси, таъриф сеткаси ва таъриф стафкаси каби тушунчаларни уз ичига олади. Корхонада бажариладиган ишларнинг ишлаб чиқариш тавсифи таъриф-малака маълумот номасида келтирилади. Ушбу ҳужжат ишчилар малакасини аниулаш ва уларга маълум равирият белгилашда асос бўлиб хизмат килади.

Олинган пайтдан кейин корхона томонидан бир йил давомида сотиш (пул маблағларига айлантириш)га мулжалланган қимматли қоғозлар қиска муддатли ёки юури даражада ликвидлик уобиятига эга қимматли қоғозлар деб ,Ушбу қоғозларни сотиб олишга сарфланган қўйилмалар эса - қиска муддатли қўйилмалар деб аталади .

Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар - бу бир неча йил муддати давомида фойдаланиш учун сотиб олинган қимматли қоғозларга таснифланади.

Қарздоаликка оид қимматли қоғозларлар корхона -эмитент (қимматли қоғозларларни чиқарувчи) инвесторга (қимматли қоғозларни сотиб олувчи корхона) нисбатан булган қарздорлик шаклини ифодалайди. Шундай уилиб белгиланган тўлов муддати келгандан кейин эмитент инвесторга маълум суммани қайтариши ва белгиланган ставка бўйича фоиз тўлаш мажбуриятини уз зиммасига олади .Қарздорликка оид қимматли қоғозлар эмитент мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини таснифловчи гувоҳнома бўлиб ҳисобланмайди .

Улушни ифодалайдиган қимматли қоғоз инвестор томонидан эмитент мулкидаги улуши (капитали)га эгалик қимматлиилиш ҳуқуқини тасдиқлайди .

Молиявий қўйилмалар турлар бўйича қуйидагича гуруҳланади : қимматли қоғозлар(акциялар ,облигациялар, сертификатлар, давлат ва

махаллий фоиз заёмлари)га инвестициялар ,шуъба Хўжалик жамиятларига инвестициялар, уарам Хўжалик жамиятига инвестициялар,чет эл капиталига эга булган корхоналарга инвестициялар ва бошқа инвестициялар.

Бир корхона томонидан бошқа корхонанинг оддий акцияларига Узок муддатли инвестициялари инвесторларга тегишли овоз ҳисоби ҳуқуқига эга булган акциялар фоизига қараб туркумланиши мумкин:

1. Инвестор 50 фоиздан кўпроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акциялар (назорат туплам)га эга булган тақдирда инвестор бирлаштирилган (йиғма) ҳисобот тузиши лозим;

2. Инвестор 20 фоиздан 50 фоизгача миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга булган тақдирда у компания эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисобланади, шунинг учун акциялар таннаrxини ҳам қўшимча равишда инвестицияланган объект булган корхона тақсимланган фойдасида инвесторнинг улуши бўйича ҳисобланиши лозим (улушли иштирок этиш усули);

3.Инвестор 20 фоиздан камроқ миқдорда овоз бериш ҳуқуқига молик акцияларга эга булган тақдирда инвестициялар таннаrx ёки бозор қиймати каби икки қийматдан энг ками бўйича ҳисобланади (қиймат усули).

Корхонада мавжуд булган барча инвестицияларнинг туплами инвестицион портфел деб аталади.

Молиявий инвестицияларни номинал ,жорий ва бозор қийматини ажратадилар .

Номинал қиймати қимматли қоғоз бланкасидаги уайд этилган сумма.Номиналл қиймати бўйича барча акцияларнинг жамланган қиймати устав капитали миқдорини ифодалайди.

Жорий қиймати - хабардор мустауил томонлар -қимматли қоғознинг харидори ва сотувчиси ўртасида қимматли қоғознинг сотилиши ёки алмаштирилиши .

Бозор қиймати - бозорда қимматли қоғоз нархи белгиланишининг натижаси билан аниқланадиган нарх. У маълум бир вақт мобайнида талаб ва таклиф мувозанатини акс эттиради .

Молиявий инвестициялар корхона активи бўлиб ҳисобланади ,шу боис улар даставвал бухгалтерия ҳисобида таннаrxни ёки сотиб олинган нархи бўйича акс эттирилади.Молиявий қўйилмалар таннаrxига барча ҳақиқатдан амалга ошириладиган ёки шартномага махфий мол етказиб берувчига тўланадиган харажатлар ,яъни :агентлар ва дилерларни тақдирлаш учун харажатлар ,фонд биржалари ва бошқа тартибга солувчи идораларнинг божлари ,маблағларни ўтказиш бўйича солиулар ва божлар ,банк хизматлари бўйича тақдирлашлар киритилади.

Молиявий қўйилмалар бўйича операциялар мунтазам тавсифга эга бўлиб ва уларнинг бозор қиймати доимо узгариб турган тақдирда ҳисобда молиявий қўйилмаларни қайта баҳолаш бўйича операциялар вижудга келиши мумкин. Бу ҳолатда молиявий қўйилмаларнинг ҳауиқий қийматинингузгариши ,қўйилмалар туркими ва корхонада уабул уилинган ҳисоб сиёсатиға махфий, ҳисобда акс эттирилиши ёки акс

эйтирилмаслиги мумкин.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар сотиб олинган пайтида сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобга олинади, кейинчалик эса улар таннархида қуйидагича акс этирилиши мумкин:

а) жорий инвестициялар :

-бозор қиймати бўйича ;

- харид қиймати ва бозор қиймати каби икки қийматнинг энг ками бўйича.

Жорий инвестициялар бозор қийматининг узгаришидан олинган Даромад ёки зарар улар вужудга келган даврда тан олинади .

б) Узоқ муддатли инвестициялар :

- харид қиймати бўйича ;

- қайта баҳолашни ҳисобга олган қиймат бўйича ;

- харид қиймати ва бозор қийматининг энг кам баҳоси бўйича.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар қайта баҳоланганда оширилган қиймат суммаси қайта баҳолашдан олинган даромад сифатида хусусий капитал таркибига киритилади . молиявий қўйилмалар қиймати пасайганда камайиш ,мазкур инвестициялар бўйича хусусий капиталда акс этирилишган,қиймати ошган сумма ҳисобига амалга оширилади. молиявий инвестициялар қийматининг пасайиши қайта баҳолашдан олинган даромадсуммасидан юғори булган тақдирда ,тафовут харажат сифатида тан олиниши лозим.Аввал қиймати пасайтирилган инвестициялар бўйича қиймати оширилган сумма,мазкур инвестициялардан олинган зарар уоплангандан

кейин хусусий капитални оширилишига ўтказилади.

Корхона уз ҳисоб сиёсатида инвестициялар юуорида уайд этилган усулларнинг уайси бири бўйича баҳоланишини белгилаши ва бу ҳақуоний (бозор) қиймати булган тақдирда қайта баҳолаш даврийлиги ,шу жумладан инвестициялар туркуми бўйича акс этирилиши лозим.

Молиявий инвестициялар харид ёки бозор қийматидан энг кам баҳоси бўйича ҳисобга олинган тақдирда , инвестицияларнинг бозор қиймати жами умумий инвестицион портфел қиймати асосида ,ёки бир турдаги гуруҳлар,ёхуд алоҳида ҳар бир инвестициянинг асосида белгиланиши мумкин .Қийматнинг ошиши қайта баҳолашдан олинган даромад тариуасида хусусий капитал таркибига ўтказилади,камайиши эса молиявий натижалартўғрисидаги ҳисоботда харажат тариуасида тан олинади .

«Ташмир» ҚК қуйидаги Узоқ муддатли қимматли қоғозларга эга деб фараз қилайлик:

Портфел	Харид қиймати	Бозор қиймати	Эҳтимолий даромад(зарар)
А акциялари	300000	200000	(100000)

Б акциялари	400000	400000	-
В акциялари	350000	430000	80000
Г акциялари	120000	1000000	(20000)
Жами	1170000	1130000	(40000)

Бинобарин ,бухгалтерия балансида акциялар харид уилинган 70000 сумдан бозор қийматининг 40000 сум чегирмаси айирилган ҳолда, яъни 1130000 сум миқдорда акс эттирилади .Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» -120000сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -40000сум .

К-т 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» -80000 сум.

Қабул уилинган ҳисоб сиёсатига махфий молиявий қўйилмалар баҳоланган таннарх ёки бозор қийматининг энг ками бўйича ҳисобга олинган тақдирда ,бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган инвестициялар учта усул билан ҳисобланиши мумкин.

-умумий инвестицион портфел асосида ;

- инвестициялар туркуми ва бир хилдаги гуруҳлари бўйича

-»Соғдиона» АЖ Узоқ муддатли инвестициялар тўғрисида қуйидаги маълумотга эга деб фараз қилайлик.

№	Қимматли қоғоз тури	Сотиб олиш қиймати	Бозор қиймати	Сотиб олиш ва бозор қийматларидан энг ками
I.	3 йил муддатли акциялар «узбекинвест»АЖ «Финиш»АЖ «Сокол « АЖ Жами:	200000 500000 300000 1000000	250000 400000 310000 960000	200000 400000 300000 900000
II.	5йил муддатли акциялар «Бек»АЖ «Ҳаёт» АЖ Жами:	700000 600000 1300000	7800000 650000 1430000	700000 600000 1300000
	Ҳаммаси:	2300000	2390000	2200000

Корхона томонидан инвестицияларнинг умумий портфели асосида қайта баҳолаш қўлланилганда балансда 2300000 сум сумма акс эттирилади чунки икки сумадан ,яъни 2390000 сумдан 2300000 сум кам.Инвестициялар туркуми бўйича қайта баҳолашда ,бухгалтерия балансида акс эттириладиган биринчи гуруҳ бўйича икки сумадан ,яъни 100000 сум ёки 960000 сумдан иборат ,улардан ками -960000 сум ёки танлаб олинади ,иккинчи гуруҳ бўйича икки сумма ,яъни 1300000 сум ва 1430000 сумдан энг ками- 1300000 сум танлаб олинади, шундай уилиб акс эттирилган сумма 960000Қ1300000у

2226000 сумни ташкил этади .Корхона томонидан инвестицияларнинг ҳар бири тури бўйича қайта баҳолаш қўлланилган тақдирда бухгалтерия балансида 2200000 сум суммани акс эттирилиши лозим.

2 Инвестициялар келиб тушишини ҳисобга олиш.

Инвестицияларнинг келиб тушиши қуйидагича ҳисоб варақаларда ҳисобга олинади:

- 5800-5890 « Қисса муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи ҳисобварақалар »;

- 0610-0690 «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга оливчи ҳисобварақалар».

Молиявий инвестициялар ушбу ҳисобварақаларда келиб тушиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан жамланган сотиб олиш таннари бўйича акс эттирилади . Қимматли қоғозлар номинал қийматдан паст ёки баланд нархларда сотиб олиниши мумкин .Номинал қиймат -бу қимматли қоғоз бланкасида уйд этилган қиймат .Акциялар бўйича харид нарх ёки облигациялар бўйича фоизнинг бозор ставкаси номиналдан кам бўлган тақдирда (чегирма ёки дисконт) ,уоплаш даври пайтида харид ва номинал қиймати орасидаги фарқнинг қисми қўшимча ҳисобланади .Бунда 0610-0690 ҳисобварақаларнинг дебетида ва 9590 «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа доромадлар» ҳисобварақининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.Корхона томонидан сотиб олинган харид қиймати уларнинг номинал қийматидан (устма ёки мукофот) куп бўлган тақдирда ,сотиб олинган пайтдан то уоплаш пайтигача бўлган даврда сотиб олиш ва номинал қиймат орасидаги фарқнинг қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварақининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади . Қимматли қоғозлар уопланиши пайтида ҳисоботда акс эттирилган қиймати номинал қийматга тенг бўлиши керак .Чегирма ва устамаларни ҳисобдан чиқарилишининг даврийлиги улар бўйича фоизларни ҳисоблаш даврийлигига мутаносиб бўлиши лозим. Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар) ни ҳисоблашда 4830 «Олинган фоизлар» ёки 4840 «Олинган дивидендлар» ҳисобварақаларининг дебети ва 9530 «Фоизлар курилишидаги даромадлар»ҳисобварақаларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади . Мисол. 2003 йил 1 июлда « Ванда « МЧЖ «Лидасан» ҚКга тегишли номинал қиймати 1000000 бўлган 10 % облигацияларнинг1250000 сумга сотиб олинган ,яъни облигациялар устама «мукофот « билан сотиб олинган ,сотиб олиш пайтида брокерга 50000 сум тўланган.Облигацияларнинг уопланиш муддати 2004 йил 30 апрел. Облигацияларнинг уопланиш муддати 10 ой бўлганлиги учун молиявий қўйилмалар қисқа муддатли ҳисобланади . Сотиб олишда қуйидаги ёзувларамалга оширилади :

2003 йил 1 июлда :

Д-т 5810 «Қимматли қоғозлар « -1300000 сум

К-т «5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» -1300000сум

2003 йил 31 июлда фоиз даромади ҳисобланди ($1000000 \times 10 \% : 12 \times 8333$ см):

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -8333 сум

К-т 9530 «Фоизлар қурилишидаги даромадлар» -8333 сум

Шу пайтнинг узида устаманинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади ($1300000 - 1000000$): 10×30000 сум:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» -30000 сум

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -30000 сум .

Мисол. 2003 йил 1 октябрда «Алман» МЧЖ «Галера» компаниясига тегишли 9 %ли номинал қиймат 500000 сум булган облигацияларни 400000 сумга ,яъни чегирма билан сотиб олган.Қопланиш муддати 2005 йил 1 октябр ,яъни 24 ойдан кейин .

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -400000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи» -40000 сум

2003 йил 31 октябрда $5000000 \times 9 \% : 12 \times 3750$ сум фоизли даромад ҳисобланган.

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -3750 сум

К-т 9590 «Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар» -3750 сум .

Шу пайтнинг узида чегирма (дисконт) нинг тегишли қисми ҳисобдан чиқарилади ($500000 - 400000$): $24 \times 4166,6$ сум

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -4166,6 сум

К-т «молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар» -4166,6 сум.

Молиявий инвестициялар фоизлар тўланадиган асна орасида сотиб олинган тақдирда ,инвестор қимматли қоғозлар сотган шахсга унинг бзорий қиймати билан бирга олдинги тўланган кундан уён жамланган фоизларни тўлайди . Фоизлар тўлаш куни етиб келганда инвестор эмитентдан сотиб олиш пайтидаги фоизлар ва қимматли қоғозларни сотиб олиш пайтдан то навбатдаги фоизларни тўлаш пайтигача фоизларни олади.

Мисол. 2003 йил 1 мартда «Мирида» компанияси «Шахзод» компаниясининг 12 %ли ,умумий номинал қиймати 70000 сум булган облигацияларини 600000 сумга сотиб олди .Фоизларни тўлаш ярим йилда бир маротаба амалга оширилади .(1 январда ва 1 июлда) .Қопланиш муддати 2006 йил 1 март . Сотиб олиш пайтида , шунингдек олдинги фоизлар тўланган пайтдан то харид қилиш пайтигача булган муддат ,яъни 2 ой учун ҳисобланган фоизлар тўланган ($7000000 \times 12 \% : 12 \times 2$) у 14000 сум.

Д-т «Қимматли қоғозлар» - 600000 сум

Д-т Бошқа дебиторларнинг қарзлари» -14000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобварағи»- 614000 сум

«Шахзод» компанияси томонидан 1 мартдан то 1 июнгача уада ,яъни март,апрел,май ,июн ойлари учун ,сотиб олинган давр бўйича фоизлар ҳисобланади.($7000000 \times 12 \% : 12 \times 4$)у

Д-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -28000 сум

К-т 9530» Фоизлар қурилишидаги даромадлар» - 28000 сум .

Фоизлар олинган кун, яъни 1 июлда куйидаги ёзув амалга оширилади :

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобаврағи»- 42000 сум

К-т 4890 « Бошқа дебиторлик қарзлари « -14000 сум

К-т 4830 «Олинадиган фоизлар» -28000 сум

Инвестициялар маҳсулотлар ,товарлар етказиб берилиши ёки хизматлар кўрсатилиши тарзида олинганда:

Д-т 0610 «ёки 5810 «Қимматли қоғозлар»

К-т 9010 -9030 «Маҳсулотлар ,ишлар ва хизматлар сотишдан олинган даромадлар».

Инвестициялар асосий воситалар ёки бошқа активларни бериш йули билан олинган ҳолатларда :

Д-т 0610 ёки 5810 « Қимматли қоғозлар»

К-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» ёки 9220 « Бошқа активларнинг реализацияси ёки бошқача чиқиб кетиши».

Мисол. Дастлабки қиймати 800000 сум ,эскириш 3000000 сум ,баҳолинган

қиймати 600000 сум булган ускуналарни бериш йули билан инвестициялар олинган.

-асосий воситаларнинг дастлабки қийматига:

Д-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» - 800000 сум

К-т 0130»Машина ва ускуналар»-800000 сум

- эскириш суммасига :

Д-т 0230 « Машина ва ускуналар эскириши»-30000 сум

К-т 210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» -3000000 сум

-баҳоланган қийматига :

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар»-60000 сум.

К-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача

чиқиб кетиши» -600000 сум .

-асосий воситаларнинг баҳоланган қиймати ва қолдиқ қиймати орасидаги фарқ бўйича :

Д-т 9210 « Асосий воситаларнинг реализацияси уилиниши ва бошқача чиқиб кетиши» -100000 сум

К-т 9310 « Асосий воситаларни сотилишидан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда»--100000 минг сум

Қимматли қоғозлар устав капиталини шакллантиришда муассислар акцияларини тўлаш ҳисобига келиб тушган тақдирда куйидаги ёзув берилади.

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар».

К-т 4610 «Муассисларнинг устав капиталига бадаллар бўйича қарзлари».

Беғараз ёрдам тарзида олинган қиммат қоғозлар қуйидагича ёзув билан акс эттирилади.

Д-т 0610 ёки 5810 «Қимматли қоғозлар».

К-т 8530 «Текинга олинган мол-мулк».

Қимматли қоғозлар Узоқ муддатлидан қисқа муддатлига ўтказилиши мумкин ёки аксинча.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар»

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар».

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг тахлили ҳисоби қўйилмалар турлари (Пай, акциялар, облигациялар ва бошқалар) ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозлар корхона- эмитентининг номи) бўйича олиб борилади. Молиявий инвестициялар тахлилий ҳисобини тузилиши тулиу уз вақтидаги ва ишончли маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим. Бунинг учун корхоналар мавжуд булган барча қимматли қоғозлар қимматли қоғозларни ҳисобга олиш бўйича махсус журналда уайд этилиши керак.

Ушбу журнал албатта қуйидаги реквизитларга эга бўлиши лозим: корхона-эмитент номи, қимматли қоғознинг номинал ва сотиб олиш қиймати, серияси, рауами, умумий миқдори, сотиб олиш санаси ва сотиш санаси ва х.к. лар.

Қимматли қоғозлар депозитарийда сауланган тақдирда, журналда депозитарий реквизитлари уайд этилади.

3. Узоқ муддатли молиявий инвестицияларни қиймат усули ва улушли катнашиш усули билан ҳисобга олиш.

Корхона томонидан молиявий қўйилмалар қимматли қоғозларга, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга булган бошқа корхоналарнинг акцияларига қўйилиши мумкин.

Корхона бошқа корхона акцияларининг назорат туплами (50% купроги) ни сотиб олган ҳолатда компания-инвестер эмитентга нисбатан бош компания ҳисобланиди, эмитент эса компания-инвесторнинг шуъба корхонаси ҳисобланади. Шуъба корхонасининг оддий акцияларига молиявий қўйилмалар бош компаниянинг бухгалтерия ҳисобида молиявий инвестициялар ҳисобланади ва улушли уатнашиш усули билан бирликдаги Хўжалик юритувчи субъект тарзида акс эттириш учун бош компания жамланган (йигма) ҳисобот тайёрлайди.

Икки маротабалик ҳисобни олдини олиш маусадида, жамланган ҳисоботни тайёрлашда ҳисоботдан бир-бирини такрорлайдиган бандларни чиқариб ташлаш лозим. Ҳисобот бандларидан қуйидагилар чиқариб ташланади:

- узаро қўйилмаларни ҳисобга олувчи ҳисоб варақлар;
- шуъба ташкилоти капиталини ҳисобга олувчи ҳисоб варақлар;
- бош ва шуъба компаниялари орасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;

- бош ва шуъба компаниялари орасидаги амалга оширилган операциялардан ҳосил булган даромадлар ва харажатлар.

Жамланган ҳисобот бош ва шуъба компаниялари нинг ягона ҳисоб сиёсати асосида тайёрланиши керак.

Бош ва шуъба корхоналари томонидан ҳисобга олишнинг турли услубиятлари қўлланилган тақдирда жамланган ҳисоботга илова уилинган тушунтириш хатида бухгалтерия ҳисобнинг бошқа услубиятлари қўлланилган ҳар бир банди ёритилиши лозим.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига қўйилган молиявий қўйилмалар овоз бериш ҳуқуқига эга булган акциялар умумий миқдорининг 20% дан то 50% гача булган тақдирда, инвестор компания-эмитентга аҳамиятли таъсир кўрсатади деб ҳисобланади ва ушбу инвестицияларнинг ҳисобга олиш улушли уатнашиш усули билан амалга оширилиши керак. Улушли уатнашиш усули қўлланилганда молиявий инвестициялар сотиб олиш пайтида жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Компания-эмитент фаолиятининг молиявий натижаларида инвестор улуши тан олинган пайтда бу қиймат ошиши ёки камайиши мумкин. Инвестор инвестициялардан эмитент капиталидаги уз улушига мутаносиб миқдорда фойда олади, шу боис фойда инвестициялар ҳисоб варақларининг дебети ва инвестициялардан олинган даромадларни ҳисобга олувчи ҳисоб варақларнинг кредитида акс эттирилади. Улушли уатнашиш усули қўлланилганда дивидентлар инвестициялар қайтарилиши тарзида акс эттирилади, шунинг учун дивидентларни ҳисоблашда даромад ошмайди, инвестицияларнинг қиймати эса камаяди.

Мисол. «Фонон» АЖ «Фотон» АЖ нинг овоз бериш ҳуқуқига эга булган 10000 дона одий акцияларининг ҳар бирини 500 сумдан сотиб олди, бу «Фотон» АЖ акцияларининг 40% ни ташкил уилади. «Фотон» АЖ томонидан эълон уилинган дивидентлар 18000 сум , унинг тақсимланмаган фойдаси эса 160000 сумни ташкил этади .

Акцияларни сотиб олиш (10000x 500)у-5000000 сум .

Д-т 0610 « Қимматли қоғозлар»- 5000000 сум

К-т 5110 « Ҳисоб китоб ҳисоб варағи»- 5000000 сум

«Фотон» АЖ томонидан дивидентларнинг эълон уилиниши:

Д-т 4840 «Олинадиган дивидентлар»- 18000 сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -18000 сум.

Дивидентлар олинишида:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи»-18000 сум.

К-т 4840 «Олинадиган дивидентлар»-18000 сум.

Тақсимланмаган фойдани акс эттиришда «Фотон» АЖ соф фойдасидаги «Фонон» АЖ нинг улуши ҳисобланади 160000x40%у64000 сум.

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -64000 сум.

К-т 9520 «Дивидентлар куринишидаги даромадлар» -64000 сум.

Корхона инвестор, уз инвестицияларини саулаб уолган ҳолда, акциялар сотиб олган корхонасига аҳамиятли таъсир кўрсатишни тухтатган тақдирда ёки уюшмага айлантирилган корхона, инвесторга уз фондларини ўтказиш

убилиятини чеклайдиган уаттиу Узоқ муддатли чеклаш остида фаолият кўрсатган холда инвестор улушли уатнашиш усулини тухтатишга ва уз инвестициялари учун қиммат усулни ууллашга мажбур.

Бошқа корхонанинг оддий акцияларига Узоқ муддатли инвестициялар овоз бериш ҳуқуқига эга булган акцияларнинг умумий миқдорида 20% гача тақдирда инвестор пасив улушга эга ёки компания- эмитент фаолиятига аҳамиятсиз таъсир кўрсатади деб ҳисобланади, шу боис ушбу инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби одатда қиймат усули билан амалга оширилади.

Ушбу усулнинг моҳияти ва унинг улушли уатнашиш усулидан фарқи шундан иборатки, акциялар бўйича дивидентлари эълон қилиш пайтида даромадни ва дебиторлик қарзни камайтиради.

Мисол. 2003 йил 1 январда «Диана» компанияси «Наргиз» компаниясининг ҳар бир акциясини 1000 сумдан 1000 та оддий акциясини сотиб олди. Бу «Наргиз» компанияси барча акцияларининг 10 фоизини ташкил этади. Акцияларнинг уопланиш муддати 5 йил. «Наргиз» компанияси томонидан 130000 сум дивидент эълон уилинди. Компаниянинг 1 йилга соф фойдаси 2500000 сумни ташкил уилди.

Акциялар сотиб олиними:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» 1000000 сум.

К-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи»

Дивидентлар эълон уилиниши.

Д-т 4840 «Олинадиган дивидентлар» 130000 сум.

К-т 9520 «Дивидентлар куринишидаги даромадлар»

Дивидентлар олиними.

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» 130000 сум

К-т 4840 «Олинадиган дивидентлар».

Пул маблағларини саулаб уолиш учун акциядорлар ўртасида дивидентларни акциялар билан тўлаши мумкин. Бу ҳолатда акциядорлар янги чиқарилган акцияларни оладилар. Акциялар куринишидаги дивидентлар активларни, мажбуриятларини ёки акциядорлар капиталини ҳеч уандай узгартирмайди ва инвесторнинг фоиз тарзидаги улуши узгаришига таъсир кўрсатмайди.

Акциялар куринишидаги дивидентлар олишда инвестор эмитентдан активларни олмайди, инвесторда муомилада булган акциялар миқдори ошади, яъни ушбу туркумдаги акциялар куринишидаги дивидентларни олиш, акциялар қиймати узгармаган холда уларнинг миқдори ошишига олиб келади. Шундай инвесторда даромадни ҳисобга олиш учун ҳеч уандай ўтказма берилмайди, фауат инвестор эгалик уилган акциялар миқдори ошади.

Мисол. «Малика» АЖ «Ширин» компаниясининг ҳар бири 700 сумдан 1000 та оддий акцияларини сотиб олди. Сотиб олиш кунда қуйидаги ёзув амалга оширилади:

Д-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -700000 сум

К-т 5110 «Ҳисоб китоб ҳисоб варағи» -700000 сум.

Бир уанча вақт утгандан сўнг «Малика» АЖ 50% даромадни оддий акциялар курунишида олди, яъни муомаладаги оддий акциялар миқдори 1500тани ташкил этди. Дастлабки сотиб олинган акцияларнинг қиймати 700000 сум. 500та акцияларнинг қиймати -0 сум. Мавжуд бўлган 1500 та акцияларнинг баланс қиймати - 700000 сум.

Битта акциянинг баланс қиймати 700000:1500у466.6 сумни ташкил уилади. Бинобарин, «Ширин» компаниясининг1500та акцияларига «Малика» компаниясининг Узоқ муддатли молиявий қўйилмалари баланс қиймати дивидентлар олунгунга уадар 1000та акцияларнинг баланс қийматига тенг булади, чунки «Малика» АЖ ушбу акцияларни сотиб олмаган. «Малика» АЖ 500 та акцияларни сотиб олишда ҳеч уандай ўтказма берилмайди, лекин тахлилий ҳисобда мавжуд бўлган акциялар миқдори ошади.

«Малика» АЖ 300 та акцияларнинг ҳар бирини 600 сумдан сотишга уарор уилди деб фараз қилайлик. Бунда қуйидаги ўтказмалар берилади:

-сотиш қийматига:

д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -180000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 180000 сум.

-баланс қийматига 300х466.6у139980 сум :

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -139980 сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -139980 сум.

- сотишдан олинган фойда 180000-139980у40020 сум:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -40020 сум.

К-т 9320 «Бошқа активларнинг реализация қилишдан ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда» -40020 сум.

4.Инвестициялар чиқарилишини ҳисобга олиш

Инвестицияларнинг чиқарилиши улар сотилиш ёки эмитентга қайтарилиши, шунингдек беғараз ёрдам тарзида бошқа ташкилотга берилиши сабабли вужудга келади.

Чиқарилишда инвестицияларнинг баланс қиймати орасидаги фарқ аниқланади. Баланс қиймати сотиш қийматидан паст бўлган тақдирда фойда пайдо булади. Инвестицияларнинг баланс қиймати уларни сотиш ёки бериш қийматидан баланд бўлган тақдирда инвестициялар чиқарилишидан зарар курилади. Чиқарилишни ҳисобга олиш 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисоб варағида амалга оширилади.

Мисол. Баланс қиймати 200000 сум бўлган қисқа муддатли облигациялар 250000 сумга сотилди.

- сотиш нархига:

д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -250000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 250000сум.

-инвестицияларнинг баланс қийматига:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 200000сум.

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -139980 сум.

-инвестициялар сотилишидан олинган фойда:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 50000сум.

К-т 9590 «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар» -50000 сум.

Мисол: 300000 сум баланс қийматига эга булаган акциялар сотилди, сотилиш нархи 270000 сум.

-сотилиш нархи:

Д-т 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисоб варағи» -270000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» -270000сум.

- баланс қийматига:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 300000сум.

К-т 0610 «Қимматли қоғозлар» -300000 сум.

-сотилишдан курилган зарарга:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» 30000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000сум.

Мисол. Баланс қиймати 100000 сум булган қисқа муддатли инвестициялар беғараз ёрдам тарзида бошқа корхонага берилди.

-инвестицияларнинг баланс қийматига:

Д-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 100000сум.

К-т 5810 «Қимматли қоғозлар» -100000 сум.

-чиқарилишдан курилган зарар суммасига:

Д-т 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» 100000 сум.

К-т 9220 «Бошқа активларнинг реализация ва бошқача чиқиб кетиши» - 100000 сум.

АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

1. Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш

2. Фойдаланишга қабул килинган асосий воситаларни ҳисобга олиш

3. Асосий воситалар эскириши ва ейилишининг амортизациясини ҳисобга олиш

4. Асосий воситаларнинг таъмирланишини ҳисобга олиш

5. Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиш

6. Асосий воситалар инвентаризацияси ва уларни қайта баҳолашни ҳисобга олиш

1. Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш

Асосий воситалар бу моддий ишлаб чиқариш соҳасида ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган соҳада узок муддат давомида (бир йилдан ортиқ) ҳаракатда буладиган ҳамда ижарага топширилиб ҳам фойдаланиладиган моддий активлардир. Асосий воситаларнинг у ёки бу объект гуруҳига киритилиши ва уларнинг таркиби 5-сонли Бухгалтерия ҳисоб Миллий Стандартига мувофиқ тартибга солинади. Уларга бинолар, иншоотлар, машиналар, Хўжалик инвентарлари, асбоб-ускуналар ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Асосий воситалар бўйича бухгалтерия ҳисобнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) асосий воситалар ҳаракати билан боғлиқ ҳамма операцияларни тўғри ва ўз вақтида ҳужжатларда расмийлаштириш ҳамда тегишли ҳисоб регистрларида умумлаштириш;

2) асосий воситаларнинг эскириш ва амортизациясини тўғри ҳисоблаш;

3) асосий воситаларнинг таъмир маблағларидан тўғри ва оқилона фойдаланишни назорат қилиш;

4) асосий воситалардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;

5) асосий воситалар хавфсизлигини сақлашни назорат қилиш;

6) ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ҳисобга маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишнинг ички резервларини аниқлаш.

Ҳисоб ҳамда режалаштиришда асосий воситалар маълум гуруҳларга бўлиниб ҳисобга олинади ва режалаштирилади. Чунки асосий воситаларни ҳисобга олиш, режалаштиришни тўғри ташкил қилишнинг муҳим шарти уларни илмий жиҳатдан туркумлаш ва баҳолаш ҳисобланади. Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида катнашишига қараб ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига ва ишлаб чиқаришга таълуқли бўлмаган объектларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш жараёнида катнашадиган ва унга хизмат қиладиган меҳнат воситалари ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари деб аталади. Уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида катнашишдаги роли ҳар хил, баъзилари, масалан, машиналар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда меҳнат курули сифатида катнашади, айримлари эса ишлаб чиқариш жараёнининг тухтовсиз ишлаб туришини таъминлайди (масалан, иншоотлар), яна бошқалари ишлаб чиқариш учун шароит яратиб беради, жумладан, ишлаб чиқариш бинолари, йуллар ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан тўғри катнашмайдиган объектларга уй-жой коммунал хужалиги воситалари, соғлиқни сақлаш муассасалари (касалхона, амбулатория, поликлиника), маданият ва маориф муассасалари (клублар, театрлар, кутубхона, болалар боғчалари) ва бошқалар қиради.

Халк хужалиги тармокларининг туркумланишига мувофик, асосий воситалар қуйидаги тармоқлар ва фаолият турларига бўлинади: саноат, кишлоқ хужалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва бошқалар. Масалан, саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда корхонанинг транспорт, моддий техника таъминоти, омбор хужалиги ва бошқа бўлимларнинг асосий воситалари киради. Саноат корхоналари балансида акс эттириладиган ёрдамчи кишлоқ Хўжалик бўлимига қарашли объектлар «кишлоқ Хўжалик тармоғи», уй-жой коммунал хужалигига қарашли объектлар «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» ва «Уй-жой коммунал хужалиги» тармоғига киради.

Демак, саноат корхоналаридан ташқари, бошқа халқ хужалиги тармоқларига қарашли объектлар ҳам фойдаланишда бўлиши мумкин. Шу нуктаи назардан саноат корхоналарининг асосий воситаларини саноат ишлаб чиқариши ва бошқа халқ хужалиги тармоқларининг ишлаб чиқариш фондларига бўлиш мумкин. Халқ хужалиги тармоқларининг асосий воситалари уз фойдаланиш нуктаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Бино.
2. Иншоот.
3. Ўтказувчи қурилмалар.
4. Машина ва ускуналар:
 - а) қуч машиналари ва ускуналари;
 - б) ишчи машина ва ускуналари;
 - в) улчов ва тартибга солувчи асбоблар, қурилмалар ва лаборатория ускуналари;
 - г) ҳисоблаш техникаси;
 - д) бошқа машина ва ускуналар.
5. Транспорт воситалари.
6. Асбоб-ускуналар.
7. Ишлаб чиқариш инвентарлари ва жихозлари.
8. Хўжалик инвентарлари.
9. Ишчи ва маҳсулдор моллар.
10. Қуп йиллик дарахтлар.
11. Ерни яхшилаш бўйича капитал харажатлар (иншоотларсиз).
12. Бошқа асосий воситалар.

Фойдаланиши нуктаи назардан асосий воситалар ҳаракатдаги, запасдаги ва фойдалағилмайдиган объектларга, у ёки бу корхонага қарашлилиги нуктаи назаридан корхонанинг узига қарашли ва ижарага олинган объектларга бўлинади. Асосий воситалар дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий воситалар Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандарти 5-сонига мувофик қуйидаги баколарда баҳоланади:

Объектнинг дастлабки қиймати - бу асосий воситаларни қуриш ёки сотиб олиш бўйича қилинган ҳақиқий харажатлар йигиндисидир, бунга тўланган солинулар ҳамда тўловлар, келтириш ва монтаж қилиш, урнатиш, фойдаланишга тоғтшириш, ундан мақсадли фойдаланиш учун ишчи ҳолатига

келтириш билан тўғридантўғри боғлиқ булган бошқа ҳамма харажатлар киради.

Тиклаш қиймати - асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш қийматидан, яъни уларни маълум муддатга ҳаракатдаги бозор баҳолари бўйича қуриш ёки сотиб олишдан иборат.

Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати - уларнинг дастлабки қийматидан эскириш суммасини аймрганига тенг.

Асосий воситаларнинг эскириши -бу асосий восита объектларининг дастлабки имкониятларини йукотганликларини тавсифловчи жараёндир (жисмоний ва маънавий).

Эскириш меъёри - асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қийматига фоиз ҳисобда ифодаланган эскириш миқдоридир.

Амортизация қиймати - бу активнинг молиявий ҳисоботда кўрсатилган дастлабки қиймат суммасидан таъминий тугатиш қиймагининг чиқариб ташланган суммасидир.

Фойдали хизмат муддати - бу шундай муддатки, унинг давомида асосий воситадан фойдаланишдан иқтисодий самарад олинади.

Жорий қиймат - бу маълум муддатга ҳаракатдаги бозор баҳоси бўйича асосий восита қиймати бўлиб, унга қура манфаатдор томонлар ўртасида актив алмаштирилиши мумкин.

Тугатиш қиймати - бу активнинг фойдали хизмат муддати охирида асосий восита тугатилаётган вақтдаги таъминий қийматидан тугатиш бўйича харажатлар чиқариб ташланган суммага тенг.

Қоплаш суммаси - бу шундай суммаси, унга қура Хўжалик юритувчи субъект активнинг тугатиш қиймати қушилган ҳолда ундан кейинги фойдаланиш ҳисобга қоплаш кузда тутилган суммадир.

Дастлабки қиймат қорхонада объект фойдаланишга топширилган муддатда вужудга келади ва унга асосий воситани қуриш ёки сотиб олиш бўйича қилинган ҳақиқий харажатлар қиймати, тўланган солиқлар ва тўловлар, келтириш ва монтаж бўйича харажатлар, урнатиш, фойдаланишга топшириш, мақсадли фойдаланиш учун, уни ишчи ҳолатига келтириш билан тўғридантўғри боғлиқ булган бошқа ҳамма харажатлар киради. Асосий воситалар дастлабки қийматининг таркиб топиш манбалари қуйидагилардан иборат:

1) қорхона устав капиталига тахсисчилар қушган улуши, асосий воситалар қиймати - томонлар қилишуви бўйича;

2) қорхонанинг узида тайёрланган асосий воситалар ҳамда бошқа қорхона ва шахслардан сотиб олинган воситалар қиймати келтириш, монтаж ва урнатиш бўйича харажатлар билан ҳақиқий харажатлар суммасида;

3) бепул олинган асосий воситалар қиймати ҳамда ёрдам сифатида олинган воситалар қиймати текшириш йул билан ёки қабултопириш ҳужжатлари маълумотлари асосида аниқланади.

Асосий воситалар айрим объектларининг дастлабки қиймати улар тикланганда ёки такомиллаштирилганда қулайиши ва объект қисман

тугатишганда ҳамда қисмларга ажратилганда камайиши мумкин. қўйидагилар асосий воситаларнинг дастлабки қиймати бўлиб ҳисобланади:

1) 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳоланган, корхона балансида ҳисобда бўлган асосий воситалар учун — уларнинг ҳисобда акс эттирилган тиклаш қиймати;

2) капитал қўйилмалар ҳисобдан қўрилган ёки сотиб олинган асосий воситалар учун инвентар қиймат қўйидагилардан иборат бўлади:

а) бино ва иншоотлар учун - объектни қуриш бўйича қурилиш ва монтаж ишлари харажатларидан, лойихақидирув ишлари ва объект инвентар қийматига қўшилиши лозим бўлган бошқа харажатлардан;

б) монтаж талаб қилувчи ускуналар учун - суянч ёки асосий қуриш, монтаж харажатларидан ва лойиха қидирув ишлари ҳамда объект инвентар қийматига қўшилиши лозим бўлган бошқа харажатлардан;

в) монтаж талаб қилинмайдиган ускуналар учун - келтириш ҳамда сотиб олиш бўйича харажатлардан;

г) корхонага бепул қабул қилинган обхёюглари учун асосий восита объектини қабултопшириш ҳужжатида қўрсатилган қиймати бўйича;

д) корхона сотиб олган, аввал фойдаланишда бўлган объектлар учун сотиш ҳақидаги ҳужжатда қўрсатилган объектни сотиб олиш бўйича эскириш суммаси қўшилган ҳолда сотиб олиш, келтириш бўйича ва объектни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Тиклаш қиймати деганда асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш қиймати, яъни маълум муддатга ҳаракатдаги бозор баҳоси бўйича уларни қуриш ёки сотиб олиш қиймати тушунилади. Яна республика ҳукумати уарорига қўра олиб бориладиган асосий восита объектларини қайта баҳолаш натижасида аниқланган қиймат ҳам тиклаш қиймати деб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳисоб қиймати деганда уларнинг ҳисоботда ва балансида акс эттириладиган, яъни баланс қиймати тушунилади.

Саноат ишлаб чиқаришининг тухтовсиз ушиб бориши корхоналарда асосий воситаларнинг қўпайиши ва улардан фойдаланишни янада яхшилаш билан боғлиқдир. Бу қўп жихатдан асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш тартибига қаттиқ риоя қилинишини талаб этади. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади:

ОС1 шакли. Асосий воситаларни қабултопшириш акти. Акт ҳар бир объект учун ёзилиб, бухгалтерияга берилади ва асосий воситани ҳисобга олиш инвентар қарточкаларига ёзиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ОС2 шакли. Таҳмир қилинган, тикланган ва такомиллаштирилган объектларни қабултопшириш акти.

ОС3 шакли. Асосий воситаларни тугатиш тўғрисидаги акт.

ОС4 шакли. Автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш акти.

ОС6 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар қарточкаси. Асосий воситаларни қабултопшириш актлари ва ушбу объект техник ҳужжатлари асосида ҳар бир объектга инвентар қарточкаси очилади.

ОС7шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар қарточкалар рўйхати.

ОС8 шакли. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси. Туркум гуруҳлари бўйича асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш учун уулланилади. Карточка маълумотлари асосида асосий воситалар ҳаракати ҳақидаги ҳисобот тулғазилади.

ОС9 шакли. Асосий воситалар инвентар руйхати.

Фойдаланишга қабул қилинган ҳар бир объект учун ОС-1 рақамли типик шаклдаги асосий воситаларни қабул қилиш топшириш акти ёзилади. Унда объектнинг дастлабки қиймати ва бошқа техник-иқтисодий маълумотлар кўрсатилади. Актга ушбу объектга тааллуқли бўлган жами техник ҳужжатлар қўшиб қўйилади. Асосий воситалар ҳисоб корхона бухгалтериясида белгиланган номенклатурада ҳар бир инвентар объекти бўйича юритилади.

Инвентар объекти дейилганда айрим восита ёки маълум ишлаб чиқариш функциясини бажаришга мулжалланган бугомлар (ҳамма мосламалари билан) жами тушунилади. Ҳисобга қабул қилинган ҳар бир асосий восита объектига, масалан, биноларга 001 дан 099 гача, иншоотларга 100 дан 199 гача, ўтказгич қурилмаларига 200 дан 299 гача ва ҳақазо инвентар рақами бириктирилади.

Бухгалтерия акт асосида ОС-6 шаклидаги инвентар карточкасини очади ва унга объект ҳақидаги ҳамма маълумотларни ёзади. Сўнгра инвентар карточкалари ОС-7 шаклидаги махсус руҳхатда, асосий воситалар туркум гуруҳлари бўйича руҳхат қилинади. Руҳхат қилинган карточкалар асосий воситалар картотекаларига жойлаштирилади, бунда улар тармок туркум гуруҳлари, гуруҳ ичида эса жойланиш, фойдаланиш жойлари ва турлари бўйича гуруҳланади. Ҳаракатда бўлмаган асосий восита объектларининг карточкалари алоҳида гуруҳланади.

Асосий воситалар ҳисоб фойдаланиш жойларида (цехлар, участкалар, корхона бўлинмалари) асосий воситалар инвентар карточкалари бўйича амалга оширилади (ОС9 шакли). Ҳамма моддий жавобгар шахслар билан белгиланган намунада 2 нусхада шартнома тузилади, биттаси бухгалтерияда, ҳар бир моддий жавобгар шахсга очилган делода, бошқаси эса уша ходимда сақланади.

2. Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш

Қабул қилинган, тугатилган ва корхона ичида қўчирилган асосий воситаларнинг инвентар карточкалари тегишли ёзувдан сўнг ой охиригача алоҳида сақланади. Улар асосида ҳар ойда асосий воситалар амортизацияси ҳисобкитоби тузилади, уларнинг ҳар бири бўйича қабул қилиш, ҳисобдан чиқариш бўйича оборотлар қўйилади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси тулғазилади. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси (ОС-8 шакли) жорий йилнинг бошида очилади. Унда 1 январга ва ҳар бир кейинги ойнинг 1-кунига асосий воситаларнинг ҳолати турлари бўйича кўрсатилади. Бу маълумотлардан асосий воситалар ҳаракати оборот ведомости тузишда фойдаланилади ва у уз навбатида корхона асосий

воситалар ҳаракати ҳамда ҳолати хусусида ҳисобот тузиш учун асос бўлиб хизмат килади.

Фойдаланишдаги, захирадаги ёки жорий лизинг шартномаси бўйича ижарага берилган корхонага карашли асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0110»Ер».

0111»Ерни ободонлаштириш».

0112»Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни узлаштириш».

0120»Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар».

0130»Машина ва ускуналар».

0140»Мебел ва идора анжомлари».

0150»Компьютер жихозлари ва ҳисоблаш техникаси».

0160»Транспорт воситалари».


0170»Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар».

0180»Қуп йиллик дарахтлар».


0190»Бошқа асосий воситалар».

0199»Консервация килинган асосий воситалар».

Сотиб олинган асосий воситалар счётларда қуйидагича акс эттирилади:




Корхонанинг узида уурилган асосий восита объекти қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:



Бошқа корхона ва шахслардан бепул қабул килинган асосий воситалар қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

«Бегараз ёрдам тарзида



Молиявий лизинг шартномаси тугаганидан сўнг, узок муддатли ижарага берилган объектларнинг асосий воситаларга кушилиши счётларда қуйидагича акс эттирилади:

0310»Узок муддатли ижара шартномаси
бўйича олинган ас.вос.» «Асосий воситалар»

Дт	0310	Кт	Дт	0110	Кт
	с		с		

Акция учун ҳақ ҳисобга келиб тушган асосий воситаларнинг балансга ўтказилиши счётларда қуйидагича акс эттирилади:

«Устав капиталига тўлов
бўйича тахсисчилар карзи» «Асосий воситалар»

Дт	4610	Кт	Дт	0110	Кт
	с		с		

Асосий воситалар дастлабки қийматининг қўшимча қурилиш, модернизация, реконструкция ва бошқа сифат узгаришлари натижасида ошиши суммасига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

«Бошқа капитал қўйилмалар» «Асосий воситалар»

Дт	0890	Кт	Дт	0110	Кт
	с		с		

Вақтинчалик қурилган бино ва иншоотлар асосий воситалар таркибига кушилиб, фойдаланишга топширилганда уларнинг ҳақиқий таннархи счётларда қуйидагича акс эттирилади:

«Тугалланмаган қурилиш» «Асосий воситалар»

Дт	0890	Кт	Дт	0110	Кт
	с		с		

3. Асосий воситалар эскириши ва ейилишининг амортизациясини ҳисобга олиш

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида ва табиат кучлари тахсирида секинаста эскириб боради. Узининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот еки бажарилаётган иш қийматига секинаста ўтказади. Улар икки хил - жисмоний ва маънавий эскиради. Объектнинг фойдаланиш жараёнидаги эскириши жисмоний эскириш деб юритилади. Юкори меҳнат унумдорлигини таъминлайдиган, тузилиши жихатидан мукамал булган янги объектларнинг ишлаб чиқарилиши аввал фойдаланишда булган эски объектларни жисмоний жихатдан тўла эскиргунга кадар ишлаб чиқаришдан сикиб чиқаради. Бу маънавий эскириш деб юритилади.

Асосий воситаларнинг маҳсулот қийматига ўтказилган кисми уларни кайта тиклаш манбаи ҳисобланади. Маҳсулот ёки бажарилган иш таннархига ўтказиб бориладиган асосий воситалар эскирган кисмининг қиймати амортизация ёки амортизация ажратмаси деб аталади. Амортизация суммаси объектнинг дастлабки қийматини кайта тиклаш ва капитал таъмир билан боғлиу харажатларни коплаши лозим. Амортизация, аввало, оддий такрор ишлаб чиқаришни, яъни асосий воситаларнинг дастлабки қийматитўла тикланишини таъминлайди. У маълум даражада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбаи булади. Чунки эскирган ускуналар урнига янги, юкори меҳнат унумдорлигини таъминлайдиганлари сотиб олинади. Бу, уз навбатида, меҳнат унумдорлигининг ошишига, таннарх ва умуман капитал харажатларнинг камайишига олиб келади.

Амортизация суммаси аввал белгиланган меъёр асосида аниуланади. Бу меъёр асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий жихатдан эскириши фоизига мувофиу келади. Асосий воситаларнинг амортизация ажратмаси хар ойда белгиланган меъёр асосида ҳисобланади. У объектнинг дастлабки қийматига нисбатан маълум фоизда белиланган.

Уй-жой бинолари бўйича амортизация факат капитал таъмир харажатларини коплаш учун ажратилади. Янги уйжой биноларини куриш билан боғлиу сарфлар эса капитал қўйилмалар ҳисобдан амалга оширилади. Эхтиёждаги машина, ускуна ва транспорт воситалари бўйича амортизация факат улар қийматини тўла тиклаш учун ажратилади.

Асосий воситаларнинг эскириши республика ҳукумати уарори билан тасдиуланган асосий фондлар гурухлари бўйича амортизация ажратмасининг ягона меъёри бўйича хар ойда ҳисобланади.

Амортизация ҳисоблашининг усулидан бири тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули деб аталади. Бу усулда 2 хил вариантда объект қиймати ҳисобдан чиқарилади. Биринчи вариант сонлар йигиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш деб аталади. Бу вариантда қуйидагича амортизация ҳисобланади:

Мисол, енгил автомашинанинг тахмин килинаётган фойдали хизмат муддати 5 йил, фойдаланиш йиллари суммаси - 15 йил

Йиллик амортизация суммаси хар бир касрни 180000 га (200 000-20 000) тенг булган амортизацияланадиган қийматга купайтириш йул билан топилади.

Бу холда ҳисоб-китоб қуйидагича куринишда булади:

	Бошлангич қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Баланс қиймати
Харид санаси	200 000			
1 йил охири	200 000	(5F15x180000)	у 60 000	140 000
2 йил охири	200 000	(4F15x180000)	у 48 000	152 000
3 йил охири	200 000	(3F15x180000)	у 36 000	164 000
4 йил охири	200 000	(2F15x180000)	у 24 000	176 000
5 йил охири	200 000	(1F15x180000)	у 12000	188 000

Амортизация ҳисоблашнинг 3-усули иккинчи варианты камайиб боровчи қолдиқ усули деб аталади. Бу усулнинг могояти шундан иборатки, бунда тўғри чизикли усулда фойдаланган нормал ставкага нисбатан икки қарра қупайтирилган меъёр уулланилади. Бу жараён икки марта оширилган амортизацияда камайиб боровчи қолдиқ усули деб ҳам аталади.


Юкорида келтирилган мисолимиздаги енгил автомашинанинг фойдали хизмат муддати 5 йилга тенг. Тўғри чизикли амортизациялаш усулида хар йилги меъёр 20 % ни ташкил қилади. Бу усулда бу меъёр 40% га тенг булади. Амортизация суммасини ҳисоблаш учун ушбу 40% меъёр хар йил охирида баланс қийматига қупайтирилади. Бу ҳисоб-китобни қуйидаги жадвалда курамиз:

	Бошлангич қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Баланс қиймати
Харид санаси	200 000			
1 йил охири	200 000	(40%x20000)у80000	120 000	80 000
2 йил охири	200 000	(40%x120000)у48000	152 000	48 000
3 йил охири	200 000	(40%x72000)у28800	171 200	28 800
4 йил охири	200 000	(40%x4320)у17280	182 720	17 280
5 йил охири	20 000	25922000у592	180 000	20 000

Ҳисобланган (эскириш) суммасига қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

1.Асосий ишлаб чиқариш воситаларига эскириш ҳисобланганда.

«Асосий воситаларнинг



2. Ёрдамчи ишлаб чиқариш воситаларига эскириш ҳисобланганда.

Дт 2300-»Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар»

Кт 0211-0299 «Асосий воситаларнинг эскириш»

3. Умум ишлаб чиқариш воситаларига эскириш ҳисобланганда.

Дт 2500-»Умум ишлаб чиқаришлар»

Кт 0211-0299 «Асосий воситаларнинг эскириш»

4. Бошқарув аҳамиятидаги воситаларига эскириш ҳисобланганда.

Дт 9400-»Давр харажатлари»

Кт 0211-0299 «Асосий воситаларнинг эскириш»

4. Асосий воситаларнинг таъмирланишини ҳисобга олиш

Асосий воситалар вақти-вақти билан таъмирланиб турилади. Бу эса, уз навбатида, улардан фойдаланиш муддатини узайтиради. Асосий воситалар таъмирланиши ҳисобнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) бажарилган таъмирлаш ишларининг таннархи ҳамда хажмини тўғри ва уз вақтида аниулаш;

2) таъмирлаш билан боғлиқ харажатларнинг маҳсулот ёки бажарилган иш таннарига тўғри ўтказилишини таъминлаш;

3) таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағдан тўғри фойдаланилиши устидан назорат олиб бориш;

4) таъмирлаш ишларининг уз вақтида ва сифатли килиб олиб борилиши устидан назорат олиб бориш ва бошқ.

Таъмирлаш харажатлари икки хил усул билан тегишли счётларга ёзилиши мумкин:

а) таъмирлаш бўйича ҳамма харажатларни вужудга келиш жараёнида ишлаб чиқариш харажатлари счётларига ёзиш;

б) махсус резерв фонди ташкил қилиш йул билан.

Резерв фондининг ташкил қилиниши асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини йил давомида маҳсулот ва бажарилган иш, хизмат таннархига бир текис ўтказилишини таъминлайди. Корхонада таъмирлаш ишларини олиб бориш учун резерв Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсати билан ташкил қилинади. Резерв суммаси ҳар ойда, корхона томонидан мустақил белгиланадиган норматив миқдорда маҳсулот таннархига қушилади. Норматив беш йил муддатга қатъий белгиланган суммада ишлаб чиқилиши лозим ёки асосий воситалар дастлабки қийматига нисбатан фоиз қуринишида бўлади. Резерв суммасининг тўғри ташкил қилинганлиги ва ундан тўғри фойдаланиш вақти-вақти билан текшириб турилади. Бу жараён смета, ҳисоб-китоб маълумотлари асосида амалга оширилади. Резерв суммаси 8900-»Келгусида қилинадиган харажат ва тўловлар резерви» счётида ҳисоб қилинади.

Асосий восита объекти фойдаланишда бўлган цех кучи билан бажарилган таъмирлаш ишлари қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Кредит: 1010,1030, 1040,6710, 6510

Дебет: 2310»Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар»

2320»Бошқа ишлаб чиқариш»

2510»Умумишлаб чиқариш харажатлари»

Корхонанинг уз ердамчи ишлаб чиқариш цехлари томонидан бажариладиган таъмирлаш ишлари қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Кредит: 1010, 1030, 1040,6710,6510

Хақикий харажат суммаси

Дебет: 2310»Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар»

Таъмирлаш ишлари тугаганидан сўнг харажатларнинг тегишли счётларига ёзилиши (каерда фойдаланишда бўлган объект таъмирланганига қараб) қуйидагича проводкада акс эттирилади:

Кредит: 2310»Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар»

Харажатларнинг тегашли счётга ёзилиши

Дебет: 2510,2710,2310 ва бошқалар

Таъмирлаш ишлари Хўжалик ёки пудрат усулида олиб борилади. Хўжалик усулида таъмирлаш ишлари корхонанинг таъмирмеханика ёки асосий ишлаб чиқариш цехлари ишчилари томонидан бажарилади. Бунда тугалланган таъмирлаш ишлари «кабул-топшириш акти» ҳужжати билан расмийлаштирилади. Унда таъмирлаш ишларининг смета ҳамда хақикий қиймати, объектнинг номи ва бошқа маълумотлар кўрсатилади. Акт икки нусхада ёзилиб, бир нусхаси бухгалтерияга топширилади.

Пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари қийматига пудратчи счётига асосланиб, қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Кредит: 6010-»Пудратчилар билан ҳисоб-китоблар»
Пудратчига тўланиши керак булган суммага
Дебет: 2510,2710,2310

Пудратчи счёти тўланганда:
Кредит: 5100»Ҳисобкитоб счёти»
